

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал (9-сон, Рамазон, 1434 йил)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ



Марҳабо,
хуш келдинг,
хушвакт

Рамазон!



www.islom.uz

Ҳужум чизифи



Ҳимоя чизифи

Моҳи Рамазон
билин учрашувга
тайёрмисиз?



Таҳрир ҳайъати:

Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф (раис)
Тоҳир Малик.
Эркин Малик.
Абдулҳамид Турсун.

Муҳаммад Айюб Усмон.
Муҳаммад Зуфар.
Озод Мунаввар.
Исмоил Муҳаммад Содиқ
Анвар Аҳмад

“Ҳилол” ойлик электрон журнали. 9-сон.
Муассис: “Ҳилол” нашрёти МЧЖ (Москва)
Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад
Бош директор: Абу Муслим
Дизайнер: Беҳзод Вафоев



РАМАЗОНИ ШАРИФ ТАБРИГИ

БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Алҳамду лиллаҳи Роббил оламийн вассалоту вассалому аъла Мұхаммадин ашрафил мурсалин ва аъла олиҳи ва асҳабиҳи ажмайин.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух.

“Ҳилол” электрон журналининг азиз ўқувчилари ва муҳтарам мўмин-мусулмон биродарлар! Барчангизни муборак ой – рўза ва Қуръон ойи, тақво ва тавба ойи, раҳмат ва шафқат ойи, мағфират ва дўзахдан озод бўлиш ойи, барака ва савоб ойи Рамазони шариф кириб келиши билан чин қалдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Рўза тутувчи мўмин-мусулмонлар бу муқаддас ой кириши билан Аллоҳ таоло бизларни мусулмонлар зумрасидан қилгани ила бир-биримизни табриклиймиз. Чунки дунёда мусулмон бўлишдан катта баҳт йўқ. Аллоҳ таоло бизларни рўза тутадиган қилгани билан ҳам бир-биримизни табрик қиласиз. Чунки Аллоҳнинг бу ибодатини қилишга мұяссар бўлишнинг ўзи катта баҳт. Ана шу баҳтга эришганимиз билан бир-биримизни табрик этамиз. Худосизлардан, турли сохта “дин” ва таълимотдагилардан ёки муртад бўлганлардан қилмаганига шукр қилиб, бир-биримизни табрик қиласиз. Қалблари иймон ихлосга тўлиқ бўлиб туриб, узрли сабаб ила, оғир касаллиги учун рўза тута олмай хижолат.Чекаётган дин қардошларимизга тасалли бериш билан бирга биз ҳам ана шундай ҳолга тушиб қолмаганимизга шукр қилиб бир-биримизни табриклиймиз. Оғзида “мусулмонман” деб туриб рўза тутмаётганлардан қилмаганига шукр қилиб бир-биримизни табриклиймиз.

Ҳа, муборак Рамазони шариф ойи кириши билан рўза тутувчи мусулмонлар бир-бирларини табрикламай, ким табрикласин! Чунки бу муқаддас ой биз учун йил давомида ҳар куни ўқиган беш вақт намозларимиз туфайли ҳам, бошқа ибодат ва хайри садақаларимиз туфайли ҳам кечирилмай қолган гуноҳларимизни мағфират қилишини Аллоҳ таолодан сўраб олишимиз учун бир йилда бир бор бериладиган фурсатдир. Ҳа, бу улкан фурсат фақат Рамазон ойи рўзасини тутувчи мўмин мусулмонлар гагина берилади. Севимли пайғамбаримиз Мұхаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Ким Рамазон ойи-



нинг рўзасини иймон билан савоб талабида тутса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинади”, дегандар.

Азизлар, барчангизни ана шу улуғ имконият ойи билан табриклийман. Исломда соchlари оқарган пири-бадавлат отахонларни, муштипар-мунис онахонларни уларга умрларида тутган рўзалари қаторига яна бир Рамазон рўзаси савобини қўшиш имкони Аллоҳ томонидан берилгани билан чин қалдан муборакбод қиласиз. Сироти мустақимда қадам ташлаб келаётган мўмин бандаларни, мўмина опасингилларни, аввали раҳмат, ўртаси мағфират ва охири дўзах оташидан озод бўлиш ойи билан табриклийман. Ўзига Аллоҳ таолони – Робб, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни – пайғамбар, Исломни – дин, Қуръонни – ҳидоят маёғи қилиб олган ёш-ийигит қизларни ўзларининг саодатли умрлари аввалида тақво ҳосил қилиш учун берилган улкан имконият –Рамазон рўзасининг тутиш баҳти билан муборакбод этаман.

Азиз ва мўтабар диндошларим! Рамазон ойи рўзаси ҳаммани, каттани ҳам, кичикни ҳам, бойни ҳам, камбағални ҳам, ҳокимни ҳам, маҳкумни ҳам, кучлини ҳам, кучсизни ҳам, тўқни ҳам, очни ҳам баробарлаштирадиган ой бўлиши билан бирга уларнинг ҳаммасига ўзлигини таниб олиш учун, бандалик бурчини ҳис этиш учун берилган фурсат ҳамдир. Ҳаммамиз бу муборак ойнинг рўзасини тутиш ила ўша бандалик бурчини бажаришга, тақводорликни ҳосил қилишга уринайлик. Ана шундагина асл мақсадга эришамиз. Яна бир бор барчангизни Рамазони шариф ила табриклийман. Аллоҳ таоло ҳаммамизни ушбу ойнинг хайру баракасидан, унинг фазлидан унумли фойдаланишимизни насиб этган бўлсин!

Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф

РЎЗАНИНГ ФАРЗ БЎЛИШИ

“Эй иймон келтирганлар! Сиздан олдингиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз” (Бақара сураси, 183-оят).

Рамазон рўзасини тутишни ҳижрий иккинчи сана-нинг шаъбон ойида Аллоҳ таоло бандаларига Қуръони каримнинг юқоридаги ояти билан фарз қилди. Рамазон ойи рўзасини тутиш Исломнинг асосий рукнларидан бўлиб, Аллоҳ азза ва жалла уни ҳар бир мусулмон ва муслимага буюрган.

Рўза сўзи араб тилидаги “савм” сўзи ўрнига ишлатилади. “Савм” сўзи эса, луғатда ҳар бир нарсадан ўзини тийиб туришни англатади. Шариатда эса, Рамазон ойида тонг отгандан қуёш ботгунча ният билан ўзини емоқ-ичмоқ ва шаҳватдан тийиб туришга айтилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари рўза тутиб, бошқаларни ҳам тутишга ундағанлар, кўплаб ҳадиси шарифларида рўзанинг фарз эканини баён этганлар.

Рамазон рўзасининг фарз эканига ўша вақтдан ҳозиргача ҳамма мусулмонлар иттифоқ қилишган. Ҳеч ким буни инкор қилмаган. Ким Рамазон рўзасини тутиш фарз эканлигини инкор этса кофир бўлади. Ислом миллатидан чиқади, диндан қайтган муртадга берилган жазога тортилади.

Коммунистик мафкура расман бекор қилингунга қадар бизнинг юртимизда худосизлар – очиқданочиқ Исломни, жумладан Рамазон рўзасини инкор қиласиганлар, ўзларининг кофирилклари билан фахрланадиганлар кўп эди. Энди эса очиқ айтиш зохиран мулоҳаза қилинмай қолди. Аммо бошқача бир кўриниш пайдо бўлди. Одамлар ичида “Мен динни хурмат қиласман, ўзимни мусулмон ҳисоблайман, аммо дин дегани Ҳудо билан банданинг ўртасидаги хос алоқа бўлиши керак. Худони тан олдикми, етади, бошқа томонини ўзимиз биламиз” дейдиганлар учрай бошлади. Улар бу гаплари билан кўпчиликни ҳам ўзларига ўхшаб

адаштироқдалар. Ислом шариати қоидасига биноан, уларга ҳам ўзларининг гуноҳлари, ҳам уларнинг гапига кириб алданғанларнинг гуноҳлари бўлади. Уларнинг гапига кириб адашганларга эса ўз гуноҳлари бўлади.

Ислом – одамлар ўзига белгилаб оладиган дин ёки шариат эмас. Ислом – Аллоҳнинг бандаларига амр қилиб, ишониш ва татбиқ қилиши лозим бўлган ақийдалар ва амалиётлар мажмуасидир. Бандалар Аллоҳ юборганидек эътиқод қилишга, Аллоҳ буюрганидек амал қилишга мажбурдирлар. Ана шундай бўлгандагина кишилар Аллоҳ таолога бўйсунган, таслим бўлган, яъни мусулмон бўлган бўладилар. Акс ҳолда эса, уларда мусулмонликдан асар ҳам қолмайди. Ўзимиз бир ўйлаб кўрайлик: кимдир бирор фирмага, ташкилотга, жамиятга “Мен сизларнинг фикрингизга қўшиламану, ишларингиз, ҳар бир аъзога қўйган талабларингизга бўйсунмайман”, деса албатта ундей одамни ҳеч бир фирмака, ташкилот ёки жамият ўз сафига қабул қилмайди. Оддий инсоний алоқаларда қабул қилиб бўлмайдиган нарсани нима учун Роббул оламийнинг динига нисбатан қўллашга ўтилади. Тўғрисини айтгандা, бундай фикр мусулмон бўлмаган миллатларга кўркўона тақлид қилишдан бошқа нарса эмас.

Исломда Аллоҳ таолога шарт қўйиб банда бўлиш йўқ. Исломда фақат Аллоҳ таолога бутунлай таслим бўлиш бор. Шунинг учун ҳам “Мен Аллоҳга иймони бор мусулмон одамману, бироқ рўза тутмайман, бу мен билан Аллоҳнинг орамиздаги иш”, дейишига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мусулмонман деган одамга бу фикр тамоман ёт бўлиши керак.

Рўза тутишдан қочадиганларнинг яна бир қисми худди юқоридаги бузук фикрга ўхшаш, аммо анчадан бери кишилар орасида юрган номаъқул фикрни

ўзига дастак қилиб оладилар. Бу гапнинг кўпчиликка ўрнашиб қолишида ўзларини диний илм эгаси қилиб кўрсатиб юрган шахслар ҳам сабаб бўлган. Бу фикр эгалари “Инсон мўмин бўлса, ибодатларини қилмаса, жумладан рўзани тутмаса ҳам Аллоҳ кечириши мумкин экан”, дейдилар. Аввало, мазкур бузук фикрни айтиб юрганлар шаҳодат калимасини айта олмайдиган, муҳит шароити или ўзини мусулмон санаб юрадиган одамлар бўлади. Уларнинг тегирмонига сув қуяётган, ўзига диний илм нисбатини бераётганлар эса тарихда бўлиб ўтган фикрий кураш ва мутаассиблик ортидан чиққан фикрни нотўғри талқин қиласидилар. Мусулмонлар оммасининг асосий ақийдавий мазҳаби бўлмиш Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби уламолари гуноҳи кабира қилган, шу жумладан рўза тутмаган одамдан гуноҳни биринчи марта содир этганидан сўнг уни муҳокама қилиб, нима учун бу гуноҳни қилгани, мисол учун бир кун рўза тутмаганининг сабаби сўралади. “Агар мен буни қилса бўлаверади, деб эътиқод қиласман”, деса диндан чиққанига ҳукм қилинади, агар “Бу ишни тўғри тушунаман, лекин дангасалик қилибман”, деса унга тавба қилидирилади ва шариат бўйича кўрсатилган жазо кўрилади ва иккинчи марта бу гуноҳни такрорламаслик уқтирилади, дейишган. Агар шундан кейин ҳам ўша гуноҳда давом этаверса, мисол учун рўза тутмай юраверса, тавбага ҳам ўрин қолмайди, деганлар.

Қуръони Каримда, Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида, саҳобаи киромлар, улуғ уламолар гапларида рўзани ҳамма тутиши фарзлиги ҳақида қайта-қайта таъкидланган, бирор жойда бирор кун тутмай қолишига ҳам рухсат йўқ. Узрсиз Рамазони шарифнинг бир кунлик рўзасини тутмаган одам шариат ҳукми или олтмиш кун кетма-кет, орасини узмай рўза тутиб бериши керак. Бу ҳам ямоқ солгана ўхашаш иш бўлади. Чунки, Пайғамбаримиз (соллалоҳу алайҳи васаллам): “Бир кун фарз рўзани тутмаган одам, умр бўйи рўза тутиб ўтса ҳам, ўша рўзаси тутилмай қолган куннинг ўрнини тўлғиза олмайди”, деганлар. Бошқа бир ҳадиси шарифда эса: “Бир кун рўзани тутмаган одам қирқ йилгача жаннат ҳидини ҳам ҳидлай олмайди”, дейилган.

Назарий иймонга суюниб, Аллоҳнинг амрларини бажаришдан, жумладан, намоз, закот, рўза каби ибодатлардан бўйин товладиган одамлар катта хато қиласидилар. Уламоларимиз ундай кишиларнинг шайтондан фарқи йўқ, дейишади. Чунки, шайтон ҳам Аллоҳ таолонинг биру борлигига қаттиқ ишонади. Аммо, Одамга сажда қил, деган амрга бўйсунмагани учун лаънатга учраган. Ушбу нотўғри фикрларни тузатиб, Аллоҳнинг барча амрларини бажаришга жумладан, рўза тутишга ўтганлар ўзлари учун фойда қиласиди.

Рўза тутишга айнан Рамазон ойининг ихтиёр қилиниши ҳам катта ҳикматларга молик ишдир. Аввало бу ой муборак ой. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ўзининг охирги китоби, илоҳий мўъжизаси Қуръони Каримни туширишга муносиб вақт деб худди шу ойни ихтиёр қилган эди. Бу ой Ислом даъвати бошланган ой. Бу улкан ҳодисани ҳар қанча эсланса, ёдга олиб байрам қилинса, арзиди. Айнан ушбу ойининг Ислом руқнларидан бири бўлмиш рўзани тутиш муддати, деб ихтиёр қилиниши бу ойининг фазлига фазл, улуғлигига улуғлик қўшади.

Рамазон ойи мўминларнинг савоб қасб қилишларига энг қулай фурсат ҳисобланади. Бу ойнинг рўзасини тутганларга улкан ажр-савоблар, икки дунёнинг баҳтсаодати ваъда қилинган. Рамазон ойида қилинадиган яхши амалларнинг савоби ҳам шу ойнинг ҳурматидан кўпайтириб берилади.

Буюк ватандошимиз, ҳадис илмининг имомлари Имом Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз (соллалоҳу алайҳи васаллам): “Ким Рамазон рўзасини иймон или савоб тилаб тутса, унинг олдинги барча гуноҳлари мағфират қилинади”, деганлар. Бошқа бир ҳадисда Мұхаммад (соллалоҳу алайҳи васаллам): “Рамазон кирса, жаннат эшиклари очилиб, дўзах эшиклири беркилади ва шайтонлар занжиранади”, деганлар.

Бунга ўхашаш рўза тутувчиларга ажр, савоб ва охират даражаларини ваъда қилувчи ҳадислар жуда ҳам кўп. Лекин рўза тутишнинг фойдаси шу билан чегараланиб қолмайди. Балки рўза тутища бугунги кунда инсон ҳаётига улкан фойдалар кўп. Рўза уни тутувчининг фақат ўзига эмас, балки оиласи, жамияти, бутун инсоният ва қолаверса, барча мавжудотга фойда келтиради.

Ўз ихтиёри билан, Аллоҳдан савоб умид қилиб, бир ой давомида кундуз кунлари емоқ-ичмоқдан, шаҳватдан ўзини тўхтатиб юрган инсон улкан фойдалар топади. Аввало рўза инсонга ўз хоҳиш ва истакларини жиловлашни ўргатади. Агар инсонларда бу сифат бўлмаса, дунё тезда ҳалокатга учраши мумкин. Рўза сабр мадрасаси ҳамдир. Фақат ҳақиқий рўзадорларгина ҳақиқий сабр даражасига эришадилар. Ўз ихтиёлари или рўза тутиб, очлик, чанқоқларга чидаган инсон фоятда мустаҳкам иродали бўлиб етишади.

Бугунги кунда рўзанинг фойдасини нафақат мусулмонлар, балки Исломдан, Қуръондан хабари йўқ қишилар ҳам тушуниб етидилар. Турли тараққий этган ўлкаларда оч қолдириб даволаш шифохоналари ишлаб турибди. Турли қитъаларда яшовчи олимлар илмий тажрибалар ўтказиб, ихтиёрий оч қолиш тани-сиҳатлик учун зарур омил эканини таъкидламоқдалар. Жумладан, рус олимлари бу борада катта ютукларга эришдилар. Профессор Николаев ўз ҳамкорлари билан эълон қилган “Оддий ҳақиқатлар” номли китобининг “Софлик” учун оч-наҳор юриш” деб номланган бобини рўзанинг фойдаларини янги илмнинг тасдиқлаши, десак бўлади. Унда айтилишича, ихтиёрий очлик билан мажбурий очликнинг фарқи бор. Мажбурий очлик, қароқчининг пичноғидек зарапга, балки ҳалокатга сабаб бўлса, ихтиёрий очлик табибининг пичноғидек шифога сабаб бўлади. Бу илмий ишнинг натижасида рўза ҳозирги энг кўп тарқалган йигирма тўқизта дардга даво экани, киши доим соғ юрай деса, ҳар йили 28-30 кун ихтиёрий оч қолиши зарурлиги таъкидланган. Сиз билан биз – мусулмонларга бу фойдали ишни ўн беш аср аввал ибодат қилиб қўйған Аллоҳ таолога чексиз ҳамду саналар бўлсин. Ҳаммамизнинг тутадиган рўзаларимизни ўз даргоҳида қабул айласин!

РЎЗАСИНИ БУЗГАННИНГ КАФФОРАТИ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир одам Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳузурларига келиб: «Ҳалок бўлдим, эй Аллоҳнинг Расули!» деди. «Сени нима ҳалок қилди?» дедилар. «Рамазонда хотинимнинг устига чиқдим», деди. «Қул озод қилишга нарса топа оласанми?» дедилар. «Йўқ», деди. «Икки ой кетма-кет рўза тута оласанми?» дедилар. «Йўқ», деди. «Олтмиш мискинга таом беришга нарса топа оласанми?» дедилар. «Йўқ», деди. Сўнгра кутиб ўтириди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассалламга бир занбил хурмо келтирилди. У зот (ҳалиги одамга): «Мана буни садақа қилиб юбор», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, биздан кўра фақирроққами? Аллоҳга қасамки, унинг (Мадинанинг) икки чети орасида биздан кўра муҳтожроқ аҳли байт йўқ», деди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассаллам кулдилар, ҳатто тишларининг оқи кўриниб кетди. Сўнгра: «Бор! Уни аҳлингга таом қилиб бер», дедилар» (Ином Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ривоят қилишган).

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Рўзадор жинсий яқинлик қилса, рўзасининг очишли.

2. Рўзасини бузган рўзадор каффорат бериши вошиблиги.

3. Энг аввалги каффорат қул озод қилиш экани.

Бу Исломда қулдорликка қарши курашнинг қўринишларидан бири. Мусулмон кишининг гуноҳини ювишга қул озод қилишнинг шарт қилиб қўйилиши шуни кўрсатмаса, нимани кўрсатар эди! Фақат гуноҳкор қул озод қилишга қодир бўлмасагина, унга қарши бошқа чоралар кўрила бошлади.

4. Каффорат бериш вожиб бўлган одам қул озод қилишга қодир бўлмаса, кетма-кет, орасини узмай олтмиш кун рўза тутиши лозим. Рамазон рўзасини тутиш даврида сабрсизлик қилгани сабабли, сабрли бўлишга тузукроқ одатланиб олиши учун.

Албатта, олтмиш кун кетма-кет рўза тутиш осон эмас. Албатта, бунга қодир бўлиши мумкин кишиларга бошқа чора ҳам йўқ. Лекин ушбу биз ўрганаётган қиссанинг қаҳрамони, аъробийлардан бўлмиш Салама ибн Саҳр розияллоҳу анҳу олтмиш кун кетма-кет рўза тутишга қодир эмас эдилар. Бошқа бир ривоятда келишича, Расуллурроҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам унга: «Икки ой кетма-кет рўза тута оласанми?» деганларида,

«Рўзани деб шу ҳолга тушиб турибман-ку!» деган.

5. Рамазонда жинсий алоқа қилиб, рўзасини очиб юборган одам икки ой кетма-кет рўза тутишга қодир бўлмаса, олтмиш мискинга таом беради. Ҳар бир мискинга бир мудд (1 мудд – 1843 грамм) миқдорида таом беради. Бу эса, ўз навбатида гуноҳкор кишининг гуноҳини ювишга имкон яратиб бериш билан бирга мискинларга яхшилик қилиш йўли ҳамдир. Ислом дини мискин-фақирларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар бир қулаг имкониятни тўлиқ ишга соглан.

Ҳадиснинг охирида Салама ибн Саҳр розияллоҳу анҳунинг аъробийларга хос соддалик ва очиқликларининг гувоҳи бўламиз. У киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ўзларига ҳадя қилиб келтирилган хурмо қобифидан тўқилган замбилдаги олтмиш мискинга етадиган, олтмиш мудд миқдоридаги хурмони олтмиш мискинга бериш ҳақидаги гапларини эшитиши билан Мадинада ўзиникидан кўра мискинроқ оила йўқлигини эслатади. Бу, ўзим еб қўйсам бўлавермайдими, дегани эди. Шундай ҳам бўлди. Лекин буни рўзасини бузгани учун мукофот маъносида тушунмаслик керак. Бу Салама ибн Саҳр розияллоҳу анҳунинг ўзига хос, бошқаларга мумкин эмас. Қолаверса, ҳозирча ўзинг еб тур, кейин топганингда каффоратни берасан, деган маъно ҳам бор. Жумҳур уламолар жинсий алоқада қатнашгани учун аёл киши ҳам каффорат беради, деганлар.

Гарчи, воқелиқдаги ушбу мисолда иш бир оз енгилроқ бўлиб кўринса ҳам, аслида иш ўта оғирдир. Рамазон рўзасининг бир кунини узрсиз ўтказиб юбориш улкан гуноҳдир. Унинг ўрнини тўлдириш жуда ҳам мушкулдир. Ушбу ҳадисда зикр қилинаётган каффоратлар бир кун тутилмай қолган, хато туфайли очилган рўзанинг каффоратидир. Агар ўша миқдор икки ёки уч кунга ўтса, бир ой ёки бир умрга ўтса, нима бўлишини бир ўйлаб кўриш керак.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам, узрсиз бир кун рўза тутимаган одам умр бўйи рўза тутиб ўтса ҳам ўша куннинг ўрнини тўлғиза олмайди, деганлар. Яна бошқа бир ҳадисда бир кун рўза тутимаган одам қирқ йил жаннатнинг исини ҳам ҳидлай олмайди, деганлар. Шунинг учун Аллоҳ етказганига шукр қилиб, рўзани канда қилмай тутиш керак.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”нинг 9-жилдидан).



РАМАЗОН ОЙИ РҮЗАСИ – ХАДИСИ ШАРИФЛАРДА



ХАДИСИ ҚУДСИЙЛАРДАН:

Ибн Ҳассосийядан (розияллоху анхұ) ривоят қилинган ҳадиси құдсийда ривоят қилинишича, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Аллоҳ айтди: «Рўза оловдан қалқондир, рўза Менинг учундир, унинг мукофотини Мен бераман. Зеро, рўзадор емоғини, ичмоғини, нағсоний истакларини Менинг учун тарқ этади. Рўзадор оғзининг ҳиди Аллоҳ учун мушк ҳидидан ҳам ёқимлироқдир» (Бағавий ва Табароний ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розияллоху анхұ) ривоят қилинган ҳадиси құдсийда келтирилишича, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Аллоҳ айтади: «Ҳар кимсанинг аъзолари ҳаромдан, гуноҳлардан тийилмаса, Менинг учун емоқ-ичмоғини тарқ этишига аҳамият бермайман» (Абу Нуайм ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анхұ) ривоят қилинган ҳадиси құдсийда айтилишича, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам Аллоҳ таолонинг бундай буюрганини айтганлар: «Құлларимнинг Менга энг севимлиси (қүёш ботган заҳоти) тез оғиз очғанларидир» (Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Термизий ва Ибн Ҳиббон ривояти).

ХАДИСИ ШАРИФЛАРДАН:

Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоху анхұм) ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламнинг: «Ислом беш нарса устига қурилған: булар Аллоҳдан ўзға илоҳ йўқлигига ва Мұхаммад алайхиссалом Унинг пайғамбари эканларига гувоҳлик бериш, намоз ўқиши, закот бериш, Каъбани ҳаж қилиш ва рамазон рўзасини тутишдир», деганларини эшитдим» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоху анхұ) ривоят қилинади: «Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким ишониб ва мукофотини Аллоҳдан умид қилиб Рамазон рўзасини тутса, ўтмиш гуноҳлари кечирилади», деганлар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонлар ичидаги хайр қилишда энг сахийи эдилар. У зотнинг яна ҳам сахий бўлишлари Рамазон ойига тўғри келар эди. Рамазоннинг ҳар кечасида у зотга Жаброил алайҳиссалом келиб учрашар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан Қуръонни ўтказиб олар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жаброил келган пайтда сахийликда тез эсган шамолдек бўлиб кетар эдилар» (Имом Бухорий ривояти).

Абдурраҳмон ибн Авфдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Набий алайҳиссалом бундай деганлар: «Агар аёл киши беш вақт намозини ўқиса, бир ой (рамазон) рўзасини тутса, фаржини сақласа ва эрига итоат қилса, унга: «жаннатнинг қайси эшигидан хоҳлассанг – киравер», дейилади» (Имом Аҳмад ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Рамазон келса жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилади ва шайтонлар кишланнади», деганлар (Имом Бухорий, Муслим ва Термизий ривояти).

Убода ибн Сомитдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Қадр кечаси Рамазон ойининг охирги ўн кунлигидадир. Ким унда иймон билан Аллоҳ розилиги учун ибодат қилса, албатта Аллоҳ аввалгию охирги гуноҳларини кечиради. У тоқ рақамли кечада бўлади. Тўққизинчи ёки еттинчи ёхуд бешинчи ёки охирги кеча Қадр кечасидир», деганлар» (Имом Аҳмад ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Умматимга Рамазон ойида ўзга умматларга берилмаган бешта хислат берилди: 1) рўзадорнинг оғзида пайдо бўладиган ноҳуш ҳид Аллоҳ таоло наздида мушк-анбар ҳидидан ҳам хушбўйроқдир; 2) Ифтор вақтигача рўзадорларга дарёдаги балиқлар ҳам истиффор айтиб дуо қилишади; 3) Аллоҳ таоло ҳар куни жаннатини зийнатлайди, сўнgra унга: «Менинг солих бандаларимнинг дунё машиқатларини ортга ташлаб хузурингтга келишлари яқиндир», дейиди; 4) бу ойда исёнкор шайтонлар кишланнади, шу сабабдан улар бошқа ойлардаги каби ёмонликлар қила олишмайди; 5) рамазон ойининг охирги кечаси рўзадорларнинг гуноҳлари мағфират қилинади», дедилар. Саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг Расули, бу Қадр кечасими?» деб сўрашди. Пайғамбар (алайҳиссалом): «Йўқ, балки хизматчига бериладиган ҳақ у вазифасини адо этганидан кейин тўлиқ берилади», деб марҳамат қилдилар (Имом Аҳмад, Баззор, Байҳақий ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Рамазон ойи келганида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Сизларга Рамазон ойи, муборак ой келди. Аллоҳ сизларга бу ойда рўза тутишни фарз қилди. Бу ойда жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилади, шайтонлар кишланнади. Унда минг ойдан яхши бир кеча бор. Ким ундаги яхшиликлардан маҳрум бўлса, маҳрум қилинади», деганлар» (Имом Аҳмад ва Насойи ривояти).

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа ойларда қилолмаган (ибодат)ларини Рамазон ойида астойдил бажаардилар. Рамазон ойида адо этолмаган (ибодат)ларини охирги ўн кунликда бажаар эдилар (Имом Муслим ривояти, «Риёз ус-солиҳийн»).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Рамазон ойининг чиққанини кўриб рўза тутинглар. Шаввол ойининг чиққанини кўриб, оғиз очинглар. Агар осмон булути бўлиб ой кўринмаса, шаъбон ойини ўттиз кун мукаммал қилиб тутинглар», деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Изоҳ: бу лафз Бухорийники, имом Муслимнинг ривоятида эса: «Осмон булути бўлиб янги ой кўринмаса ўттиз кун мукаммал рўза тутинглар», бўлиб келган.

Мўминлар онаси ҳазрати Оишадан (розияллоҳу анҳо) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар (Рамазон ойининг охирги) ўн куни кирса, бутун кечани ибодат билан ўтказиб, бунга аҳли-аёлларини ҳам ўйғотардилар. Ўзлари кўп файрат қилиб, ибодат учун белни маҳкам боғлардилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким ишониб ва мукофотини Аллоҳдан умид қилиб Рамазон рўзасини тутса, ўтмиш гуноҳлари кечирилади», деганлар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Пайғамбар алайҳиссалом: «Қанчадан-қанча рўзадорлар

борки, уларнинг рўзаси очлиқдан бошқа нарса эмас. Яна қанчадан-қанча намозхонлар борки, уларнинг намоздан топадиганлари уйқусизликдан қийналиш, холос», деганлар» (Ибн Можа, Аҳмад, Байҳақий ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Рўза (дўзах ўтидан асрорчи) қалқондир. Рўза тутган киши ёмон сўзларни сўзламасин, қўпполлик қилмасин. Агар бирор киши уни уришса ёки ҳақорат қилса, икки марта «мен рўзадорман», десин. Аллоҳга қасамки, рўзадор оғзининг ҳиди Аллоҳ наздида мушк-анбар ҳидидан ҳам хушбўйроқдир. Чунки Аллоҳ таоло: «Рўзадор Менинг учун емайди, ичмайди ва шаҳватини тарқ қилади. Рўза холис Менга ибодатдир, унга Ўзим ҳисобсиз савоб бераман. Ваҳоланки, ҳар бир яхшиликка ўн баробар яхшилик бордир», деган (Имом Бухорий ривояти).

Саҳл ибн Саъд Соъидийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жаннатнинг бир эшиги бор: у Район деб аталади. Қиёмат куни ундан фақат рўзадорлар киришади, улардан бошқа ҳеч ким кирмайди. «Рўзадорлар қаерда?» дейилади. Рўзадорлар турадилар. У эшиқдан улардан бошқа ҳеч ким кирмайди. Улар киргач, эшик беркитилади, (сўнг у эшиқдан) бошқа ҳеч ким кирмайди», дедилар (Имом Бухорий, Муслим ва Насойи ривояти).

Тобеъинлардан Абу Атийя ва Масруқ Ҳазрати Оишанинг ҳузурларига кириб: «Эй мўминлар онаси, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан икки киши бор, икковлари ҳам яхшиликда мусобақалашишади. Бирлари ифтор билан (шом) намозни тезлатади. Бошқаси эса ифтор билан (шом) намозни ортга суради», дейишди. Ҳазрати Оиша: «Икковларидан қай бири ифторни ва намозни тезлатади», деб сўрадилар. Тобеъинлар: «Абдуллоҳ ибн Масъуд», деб жавоб қилишди. Ҳазрати Оиша: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай қилар эдилар», дедилар. Ифтор ва намозни ортга сурган Абу Мусо эди (Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насойи ривояти).

Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарда эдилар. Тўпланиб турган одамларни ва устига соя қилиб қўйилган бир кишини кўрдилар ва: «Нима бўляпти?» деб сўрадилар. «Рўзадор эди», деб жавоб қилишди. «Сафарда рўза тутиш яхшиликдан эмас», дедилар Расулуллоҳ (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насойи ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Рўзадор мўмин бирор мусулмонни фийбат қилмаса, ортидан унинг шаънига бўхтон ёғдирмаса, Аллоҳ уни ибодатда, деб ҳисоблади» (Дайламий ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким ёлғон сўзлашни тарқ этмаса ва Аллоҳ қайтарган нарсалардан қайтмаса, рўза тутиб, емай-ичмай қўйгани билан рўзаси қабул бўлмайди, Аллоҳ унга раҳмат назарини ташламайди», деганлар» (Имом Бухорий, Абу Довуд, Термизий ва Насойилар ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Рўзадор икки бор хурсанд бўлади: биринчиси – оғиз очганида (ифтор қилганида) ва иккинчиси – рўза тутиб Аллоҳга ёруғ юз билан йўлиққанида», деганлар» (Имом Бухорий ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилингандан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Бирор кимса осийликни ва ёлғонни ташламаса, емоқ-ичмоғини тарқ этишига Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқдир» (Табароний ривояти).

Абдуллоҳ ибн Умардан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қилинишича, «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ таоло ва Унинг фаришталари саҳарлик қилувчиларга раҳмат тилаб, дуо қиладилар», деганлар (Имом Табароний ва Ибн Ҳиббон ривояти).

Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Саҳарлик қилинглар, албатта саҳарликда барака бордир» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Амр ибн Оссдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай марҳамат қилдилар: «Бизнинг рўзамиз билан аҳли китобларнинг рўзаси орасидаги фарқ саҳарлик ейишdir» (Имом Муслим ривояти).



РҮЗАНГИЗ КОМИЛ БҮЛСИН!

РҮЗАНИ БУЗУВЧИ НАРСАЛАР

**Рүзани бузадиган ва фақат қазо тутишни вожиб
қилиб, каффоратни вожиб
қилмайдиган нарсалар**

1. Физо ва физо маъносида бўлмаган нарсанни тановул қилиш билан рўза очилади. Бунда одатда физо саналмайдиган ва инсон кўнгли емоқча мойил бўлмайдиган нарсалар кўзда тутилган. Мисол учун, рўзадорнинг хом гуруч, хамир, бирор нарса аралаштирилмаган ун каби нарсаларни емоғи рўзани бузади.
2. Бирданига кўп тузни еб юборса ҳам рўзаси очилиб, унинг қазосини тутиб беради.
3. Пишмаган мевани еса ҳам рўзаси бузилади.
4. Тишлари орасида қолган нўхатдан катта нарсанни еса ҳам;
5. Данак, пахта, қофоз, тери еса ҳам;
6. Тош, темир парчаси, тупроқ, тангага ўхшаш нарсаларни ютиб юборса ҳам;
7. Ўз амали билан ичига тутун киритса ҳам;
8. Орқасидан, бурнидан, томогидан ва аёл кишининг олдидан ичига сув ёки дори киритилса ҳам рўза бузилади.
9. Қулоғига мой томизса ҳам бузилади. Сув томизса, очилмайди.
10. Аёл кишининг олд аъзосидан қатра томизилса ҳам рўзасини қазо қилиб тутиб бериши лозим бўлади. Эркак кишининг олд аъзосидан қатра томизилганда бу гап йўқ.
11. Қасддан оғзи тўлиб қусса ҳам қазо тутади. Агар рўзалиги эсидан чиққан, оғзи тўлмай қусган, таом эмас, балғам қусган бўлса, рўзаси очилмайди.
12. Физо ва давони беморлик, сафар, мажбурлаш, хато, бепарволик ёки шубҳа каби шаръий узрлар или танновул қилса, қазосини тутиб беради.
13. Оғзини чайиб турганда хато қилиб сув ичига кетиб қолса, рўзаси очилади ва қазо тутади.
14. Бошидаги ёки қорнидаги жароҳатга дори қўйганда ичига ёки димоғига кетиб қолса ҳам рўза бузилади.
15. Бирор ухлаб ётган одамнинг қорнига сув киритиб юборса ҳам.
16. Аёл киши хизматга ярамай қоламан деб таом еса ҳам.
17. Бирор аввал эсида йўқ таом еган ёки жинсий яқинлик қилган бўлса, рўзаси очилмайди. Аммо ҳукмни билмай, бўлар иш бўлди, деб ке-тайн яна таом еса ёки жинсий яқинлик қилса, қазо рўза тутиб бериши лозим бўлади.
18. Бирор кечаси рўза тутишни ният қилмай кундузи ният қилсао кейин бу ниятим тўғри бўлмаса керак, деган шубҳа билан таом еб юборса, рўзаси очилади ва қазо тутиши вожиб бўлади.
19. Бирор қуёш ботган бўлса керак, деб еб-ичсаю ёки жинсий яқинлик қилса-да, кейин тонг отиб бўлганини билса, рўзасининг қазосини тутади.
20. Бирор тонг отмаган бўлса керак, деб еб-ичди ёки жинсий яқинлик қилди. Кейин билса, қуёш ботмаган экан. Рўзасининг қазосини тутади.
21. Шаҳватини тўлиқ бўлмаган ҳолда қондирса ҳам фақат қазо тутади.
22. Қучоқлаш, ўпиш ва шунга ўхшаш ишлар туфайли манийи тўкилса, қазо тутади.
23. Ухлаб ётган аёлга жинсий яқинлик қилинса, ўша аёл қазо тутади.
24. Аёл киши фаржига мой ёки шунга ўхшаш нарсаларни томизса ҳам;





25. Рұзадор одам орқасига сув ёки мой билан ҳұлланған панжасини киритса ҳам;
26. Рұзадор одам орқасига пахта, латта ва шунга үхшаш нарсаларни киритса ҳам;
27. Аёл киши ички фаржига сув ёки мой билан ҳұлланған панжасини ёки пахта, латта ва шунга үхшаш нарсаларни киритса ҳам рұзаси очилади.
28. Рамазон рұзасидан бошқа рұзаларни очган бўлса, фақат қазо тутиш вожиб бўлади. Каффорат вожиб бўлмайди.

Рұзани бузадиган ва қазо тутишни ҳам, каффоратни ҳам вожиб қиласидиган нарсалар:

1. Физо ёки унинг маъносидаги нарсанни шаръий узрсиз ейиш рұзани бузади. Одатда озуқа сифатида тановул қилинадиган барча нарсалар ғизога киради. Дори, папирос, афюн, наша ва шунга үхшаш нарсалар ҳам физо маъносидаги нарсаларга киради. Ушбу ҳолатларда рұзасини очган одам ҳам қазосини тутади, ҳам құл озод қилиш, олтмиш күн кетма-кет рўза тутиш, унга қодир бўлмаса, олтмиш мискинга таом бериш билан каффоратни адо қиласи.
2. Бирорнинг гийбатини қилганидан, қон олдирганидан, шаҳват билан ушлаганидан ёки үрганидан, құчоқлашиб ётганидан, мўйлабини мойлаганидан кейин рўзам очилиб кетди, деган ўй билан қасдан еб-ичиб юборса, ҳам қазо тутиб, ҳам каффорат адо қиласи.
(Фақих рўзанг очилибди, деб фатво берса, бундан мустасно. Унда фақат қазо тутади. Каффорат вожиб бўлмайди.)
3. Оғизига кирган ёмғир сувини, хотинининг туфугини лаззат учун, кесакхўр одам кесакни ютиб юборса ҳам рұзаси очилади.
4. Фарж шаҳватини тўла равишда қондирса ҳам. Унда иштаҳа тортадиган одам жинсининг олди ёки орасига олатни киритиш кўзда тутилган. Агар маний тўкилиши бўлмаса ҳам.
5. Аёл киши кичик ёшдаги болани ёки мажнунни ўзига яқинлик қилишига имкон берса, унга ҳам қазо, ҳам каффорат вожиб бўлади.

РҰЗАНИ БУЗМАЙДИГАН НАРСАЛАР

1. Рұзадорлиги эсидан чиқиб, еб-ичиб ёки жинсий яқинлик қилиб қўйса, рұзаси очилмайди. Аммо эсига тушиши билан дарҳол мазкур ишларни тұхтатиши шарт. Жинсий яқинлик қилаётган киши рұзадорлигини эслаши билан ажраши керак. Агар ундан кейин ҳам туриб қолса, рұзаси бузилади.
2. Назар соглани ёки ўйлагани оқибатида маний тўкилса, ўзи гуноҳкор бўлса ҳам рұзаси очилмайди. Кундуз куни эҳтилом бўлиб қолса ҳам рұзаси очилмайди.
3. Кўзига дори томизса ёки сурма қўйса ҳам рұзаси очилмайди.
4. Қон олдирса ҳам рұзаси очилмайди.

5. Мисвок қиласа ҳам рұзаси очилмайди.
 6. Муболағасиз оғиз-бурунни чайса ҳам рұзаси очилмайди.
 7. Фусл қиласа ёки салқинлаш учун ҳўл латтага ўранса ҳам рұзаси очилмайди.
 8. Фийбат қиласа ёки оғзини очишни ният қиласа ҳам рұзаси очилмайди.
 9. Рұзадорнинг ичиға унинг ихтиёрисиз тутун, чанг ёки паша кирса ҳам рұзаси очилмайди. Аммо рұзадорлигини эслаб туриб хушбўй нарсани тутиб ҳидласа, рұзаси очилади.
 10. Тиш олдириб қон ёки дорини ютмаган бўлса ҳам рұзаси очилмайди.
 11. Эркак кишининг жинсий олатидан сув, мой ёки дори киритилса, рұзаси очилмайди. Қулоқдан сув кирса ҳам, қулоқни кавласа ҳам, рұзаси очилмайди. Аммо бу каби ишларни қилмаган маъқул.
 12. Балғам ёки мишиқнинг кириш ёки чиқиши билан ҳам рұзаси очилмайди.
 13. Ўз ихтиёридан ташқари ҳолда мажбур бўлиб қусса ҳам рұзаси очилмайди.
 14. Тишлари орасида қолган нўхатдан кичик нарсани еса ҳам рұзаси очилмайди.
 15. Жунуб ҳолида юрса ҳам рұзаси очилмайди.
 16. Мускулга, тери остига укол қилиш билан ҳам рұзаси очилмайди.
- Ҳанафий уламолар рұзадор киши учун макруҳ бўлган ишларни ҳам санаб ўтишган:
1. Узрсиз бирор нарсани татиб кўриш ва чайнаш. Чунки бунга үхшаш нарсалар рұзанинг бузилишига олиб бориши мумкин.
 2. Сақич чайнаш. Бу ишни қилган одамни оғзи очиқ деб ўйлайдилар.
 3. Құчоқлашиш, ўпиш ва ушлаш каби шаҳватни кўзғайдиган ишлар.
 4. Қасд ила тупугини оғзида тўплаш ван уни ютиш.
 5. Рұзадорнинг заифлашишига олиб борадиган қон олдириш каби ишларни қилиш.



КИМЛАР ФИДЯ БЕРАДИ?

Ислом шариатида буюрилган маълум бир амал ўрнига мол сарфлаш “фидя” дейилди. Бунинг учун шариатда кўрсатилган узрли сабаблар мавжуд бўлиши лозим. Масалан, рамазон ойи рўзасини узрли сабаблар туфайли тутолмай қолганлар бунинг учун фидя берадилар. Исломда инсонни унинг тоқатидан ташқари ишга таклиф қилиш йўқ. Масалан, Аллоҳ таоло рўза фарз қилиниши билан бирга «мадори етмайдиганлар зиммасида бир мискин кимсанинг (бир кунлик) таоми фидядир» (Бақара, 184), деб марҳамат қиласи. Ҳадиси шарифда: «Бу оят бекор бўлмаган, балки қари чол ва кампир учундир. Улар рўза тутишга қодир эмаслар. Бас, ҳар бир кун ўрнига камбағални таомлантирадилар», дейилган. Бошқа ҳадиси шарифда: «Бу рухсат фақат рўзани кўтара олмайдиган ва тузалмас касалларгагина берилади», дейилган.

Қариликлари туфайли рўза тута олмайдиганлар учун фидя беришнинг йўлга қўйилиши бежизэмас. Унда камбағалларнинг манфаати билан бирга ўша рўза тута олмаган кишиларнинг адо эта олмаганлари учун афсус-надоматларини енгиллатиш ҳам бор. Қариялар рўзага кучи етса, тутиши лозим. Тута оладиган ҳолда фидя берса, раво бўлмайди. Юқорида келтирилган ояти каримада кўзда тутилганлар, умуман, рўза ту-

тишга ярамайдиган, кундан-кунга жисмонан заифлашиб бораётган ўта қари чолу кампирлар, ўлаётган қариялар ва тузалишидан умид йўқ касаллардир. Бундай касал ўзи ёш бўлса ҳам, “ўтаётган қариялар” ҳукмидадир. Бу тоифадаги кишилар рўза тутиш имконига эга бўлмаганлари учун ўрнига фидя беришлари йўлга қўйилган.

Рўза тутишда вақтинчалик қийинчиликка учраб, кейин яна рўза тутиш имконига эга бўладиган касаллар худди ҳомилали ва эмизикли аёллар, мусофиirlардек янаги рамазон келгунча тутиб беришлари лозим.

Ҳадиси шарифда: «Ким ўлсаю унинг зиммасида ойнинг (фарз) рўзаси бўлса, унингномидан ҳар бир кун ўрнига бир камбағалга таом берсин», дейилади. Чунки тутилмай қолган рўза, ўқилмай қолган намозлар банданинг Аллоҳ таоло ҳузуридаги қарзи ҳисобланади, уни узиш фарзандлари (меросхўрлари) елкасиадир. Фидя беришга марҳумдан қоладиган мероснинг учдан бир микдоригача сарфлаш мумкин. Ворислар бўлмаса ҳаммасини сарфлаш жоиз. Мусулмон кишининг баъзи намози ёки рўзаси қазога қолган бўлса, киши вифот қилишидан хавфсиралган пайтда агар қоладиган ортиқча моли бўлса, ворисларига фидя беришни васият этиши војиб. Аммо марҳум васият қилмаган бўлса, фидя бериш ворислари-



га војиб эмас. Беш вақт намознинг ҳар бири учун ҳам, витр намози учун ҳам фидя берилади. Айрим уламолар: бир кунлик намоз фидяси бир кунлик рўза фидясига teng, дейишган.

Камбағал бечора дейилганда кундалик ҳаёти қийинчиликда ўтаётган, кўчага чиқиб тиланчилик қилишга виждони йўл қўймаётган одам тушунилади. Фидя бир камбағалнинг бир кунлик ўртacha тириклигини таъминлайдиган овқат микдори бўлиб, унинг ҳажми таом ёки унга тўғри келадиган пул бирлигига белгиланади. Бунда ҳар бир жойнинг иқтисодий-маиший шарт-шароитидан келиб чиқилади. Бир кунлик рўза учун бериладиган фидя фитр садақаси (яъни, икки килограмм буғдой ёки унинг нархи)дан кам бўлмаслиги лозим. Үлиknи кўмгандан кейин фидя бериш жоиз бўлса ҳам, уни кўммасдан илгари бериш афзалдир.

ҚАДР КЕЧАСИ



Аллоҳ таоло Құръони каримни Қадр кечасида нозил қилған. Құръони каримда шундай мараҳамат қилинади: «Хақиқатан Биз уни Қадр кечасида туширилдік» (Қадр сураси, 1-оят). Аллоҳ таоло яна бундай хабар берған: «Рамазон ойи унда Құръон нозил қилингандай ойдир» (Бақара, 185); «Очиқ-равшан китоб – Құръонға қасамки, албатта, Биз уни бир муборак, баракотли кечада нозил қилдік» (Духон, 2). Демак, Құръони мажид рамазон ойининг Қадр кечасида нозил қилина бошлаган. «Құръони карим Қадр кечасида нозил қилингандай дейдиган муфас-

сирларнинг фикрлари икки хилдир: улардан бальзилари «Қадр кечасида Құръоннинг ҳамма оятлары Лавхул Маҳфуздан дунё осмонига туширилған, сүңг Расууллодоға (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) дунё осмонидан әхтиёжға қараб амр ва қайтариқ, ҳалол ва ҳаром, ваъз-насиҳат тарзида йигирма уч йил давомида бўлиб-бўлиб нозил қилингандай», дейишса, айримлари ушбу кечада Құръони карим оятларининг бир йилга зарур миқдори дунё осмонига туширилған, сүңг эса Расууллодоға (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) етказиб турилғандай, дейишади.

Абу Лайс Самарқандий тафсирида бундай дейилган: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Инсонларнинг амалларини кўрятпман», дедилар. Гўё у зотга умматларининг умрлари қисқа, шу сабабли уларнинг амаллари олдин ўтган пайғамбарлар умматларининг амаллари даражасига етмаётгандек туюлди. Шу боис Аллоҳ таоло у зот ва умматларига Қадр кечасини берди». Мужоҳиддан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинишича: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Бани Исроилдан бир киши Аллоҳ йўлида минг ой қурол-аслаҳа кўтариб юрганини айтдилар. Мусулмонлар бундан роса ажабланишиди. Шунда Аллоҳ таоло ушбу суранинг дастлабки уч оятини туширди» (Иbn Жарир ривояти).

Рамазон ойидаги Қадр кечаси фазилат бобида минг ойдан ҳам яхши ва мўътабардир, бу кечада қилинган ибодатлар минг ойда қилинган ибодатлардан яхшироқдир. Оятдаги «минг ой» жумласи маълум вақт ҳажмини кўрсатиш учун эмас, мисол тарзида келган бўлиши мумкин. Яъни, Қадр кечаси минг ой ва ундан ҳам кўпроқ муддатдан яхшидир, деган маънони ҳам билдиради. Чунки бирор миқдор айнан ўша агадни баён қилиш учун гоҳо у боғланган нарсанинг шарафи ва улуғлигини баён қилиш учун келтирилади. Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Рамазон ойи келганида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бундай дедилар: «Сизларга рамазон ойи – муборак ой келди. Аллоҳ таоло сизларга бу ой давомида рўза тутишни фарз қилди. Бу ойда жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилади ва шайтонлар кишанланади. Унда минг ойдан яхши бир кеча бор. Унинг яхшиликларидан маҳрум бўлган кимса бахтсиздир» (Имом Аҳмад, Насойи ривояти). Яна шу саҳобадан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Ким Қадр кечасида иймон-эътиқод билан Аллоҳ таоло розилиги учун тоат-ибодат қиласа, олдинги гуноҳлари кечирилади», деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Қадр кечасида Аллоҳ таолонинг амри билан фаришталар ҳар бир осмондан ва Сидратул-муңтаҳодан Ерга тушишади, тонг отгунича инсонларни дуо қилишади ва дуо қилганларга қўшилиб «омийн» деб туришади. Кўпчилик муфассирларнинг фикрича, фаришталар бу кечада яна кейинги йил учун бўлажак Аллоҳ таолонинг қазои қадари билан ҳам тушишади. Замахшарий (раҳматуллоҳу алайҳи) айтади: «Қадр кечаси ишлар тақдир ва ҳукм этиладиган кечадир. Духон сурасининг 4-оятида ҳам: «Унда барча пухта-аниқ ишлар айрилади (белгиланади)», деб баён этилган». Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ таоло Бароат кечасида тақдир

қилинган нарсаларни тайин этади, Қадр кечаси келганида уни ўз эгаларига топширади», деганлар. Улар Аллоҳ азза ва жалла изнисиз ҳеч бир ишни қила олишмайди.

Қадр кечаси тонг отгунига қадар турли оғат-балолардан омонлик, хотиржамлик, барака кечасидир. Бу кечада шайтон ёмонлик қила олмайди. Қадр кечаси бошдан-охир фақат саломатлик, омонлик, яхшилик ва баракот билан тўладир, унда асло ёмонлик йўқдир. Қуёш ботганидан то тонг отгунга қадар бу ҳол давом этади. Тонг отгунича фаришталар гурух-гурӯҳ бўлиб, раҳмат билан Ерга тушишади.

Қадр кечаси рамазон ойининг қайси кечасида келиши ҳақида турли ривоятлар бор. Имом Насафий тафсирида Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Осимдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Убай ибн Каъб Қадр кечаси рамазоннинг йигирма еттинчи кечаси эканига қасам ичгани, жумхур уламолар бунга иттифоқ қилишгани келтирилади. Аксар уламолар Қадр кечаси рамазон ойининг йигирма еттинчига ўтар кечасидир, дейишган. Жобир ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Мен Қадр кечасини билдим. Сўнг у менга уннуттирилди. У рамазон ойининг охирги ўн кунидаги кечаларнинг биридир. У кеча очиқ, ярқираган бўлиб, иссиқ ҳам, совуқ ҳам эмас, гўё ойи бор кечага ўхшайди, у кечада тонг отгунча шайтонлар инсонлар ҳузурига чиқмайди», деганлар (Ибн Абу Осим Набил ривояти). Қадр кечасини бундай яширишнинг ҳикмати ўлим вақтини ва қиёмат келишини яшириш ҳикмати кабидир. Қадр кечаси бандалар тоат-ибодатга рағбат ва ҳаракатни кучайтириши, ғофил ва дангаса бўлмаслиги учун яширилган.

Шунинг учун ҳам “Лайлатул қадр”ни ҳар қанча байрам қилинса, нишонланса арзиди. Бизнинг ушбу кечани нишонлашимиз ўзимизга хос бўлади. Ҳабибимиз ва йўлбошчимиз Мұхаммад (с.а.в) кўрсатгандаридек ва айтаганларидек бўлади. У зоти бобарокот “Ким Лайлатул қадрни иймон билан, савоб талабида бедор ўтказса ўтган гуноҳлари мағфират қилинади”, деганлар. Биз, мазкур улуғ ва муборак кечани иймон кечасига, савоб талаб қилиш кечасига айланишига ҳаракат қиласиз. Бу кечани Аллоҳга, Исломга бўлган иймонимизни яна ҳам бақувват бўлишига ҳаракат қилиб ибодат билан ўтказамиш. Биз бу муборак кечанинг ҳар лаҳзасини ғанимат билиб унга кўпроқ савоб ҳосил қилишга уринамиш. Аллоҳ таолодан ушбу ниятларимизни, ушбу кечада амалга оширишимизни, ҳаммамизни тақдиримизни олий мақом этиб таъянин қилишни сўраб илтижо қиласиз.

БУ ОЙГА МУНОСИБ БҮЛА ОЛДИКМИ?

Вафот этадиган кунимиз аниқ, у тақдиримизда ёзилган. Ҳар бир нафас олишимиз ва нафас чиқаришимиз, ҳаётимизда қанча Рамазон насиб бўлиши ҳам олдиндан белгиланган.

Рамазон ҳар йили келади. У биздан олдин ҳам келган, биз ўтиб кетганимиздан кейин ҳам келаверади. Биз бўлмаймиз, аммо биродарларимиз (опа-сингилларимиз, ака-укаларимиз) масжидларда таровеҳ намозларига жам бўлаверишади.

Буларни мен ўтган йилги моҳи Рамазон арафасида сездим. Ушбу Рамазонни умримдаги энг сўнгисидек яшашни ўзимга мақсад қилиб олдим. Бироқ мақсадимни амалга ошира олмадим. Рамазонни яшаб ўтдим, аммо бу ой орзу қилганимдек бўлмади. Раҳмат ҳосилини бутунлай йиға олмадим. Кундалик ташвиш шамоли туфайли мен маънавий ҳаётдан дунё рўзфорига ўралашиб қолдим. Жиддий шартномалар ва жиддий қарорлар қабул қилинди... Майший машмашалар, турмуш ташвишлари тугаган вақтда Рамазондан фақат эсдалик ва чидаб бўлмайдиган йўқотиш ҳисси қолган эди. Бутун йил давомида балки бу ҳақиқатдан ҳам сўнгги Рамазондир деб кўрқдим. Аллоҳ таолодан дуоларимда баракали ойнинг баракали нурлари насиб қилишини сўрардим. Мана у яна яқинлашмоқда. Йилнинг энг яхши, Барокат, Мағфират, Раҳмат ойига бир-икки кун қолди. Атроф уни кутиш билан овора.

Бу ойдан биз нималарни кутмоқдами? Кўпроқ нима ҳақида ўйладяпмиз? Жазирама иссиқда рўза тутиш қийинчилликлариними ё жисмоний қийинчилликларними ёки маънавий озуқа олишними? Баъзи дугоналарим эрлари бошқа кунларга қарагандан оч қолиш ҳиссидан дарров фазабланадиган ва ўзини тута олмайдиган бўлиб қолишидан шикоят қилишади. “Қорни оч эркакдан яхшилик чиқмайди”, деган гап бор. Аёлларнинг шикоят қилишича, эркаклар очлик ва ташналиқдан уй ишларини кўнгилдагидек бажара олишмайди. Улар ҳатто ўз фарзандларига ҳам кўпол бўлиб кетишади.



Ушбу муборак кунларда фақат оч қолишга буюрилмаганмиз, балки ўзимизни гуноҳ ва маъсиятлардан ҳам сақлашимиз керак. Энг яхшиси, ҳамма нарсада ниятни тўғрилаб, ахлоқни камолатга етказиш учун ғайрат қилиб бораверишимиз лозим. Ажру савоб олиш, маънавий ўсиш имкониятини ўз характерингизни бошқара олмаслик туфайли йўққа чиқариб, бу ғанимат фурсатни қўлдан бой бериш ниҳоятда алам қиласди.

Менинг истагим, ушбу Рамазонда ўтган йилги вазифаларимнинг уддасидан чиқолсан. Тез кунда, саноқли кунлардан сўнг соатлар дақиқаларни санайди, улар ҳам соатларга айланиб, тақвимга имо қиласдилар, у эса кунларни варактлай бошлайди... Биринчи, иккинчи, ўнинчи, йигирма иккинчи... Бутун ой лаҳзалардан иборат. Ҳар бирида ўзига яраша имкониятлар. Биринчи, иккинчи лаҳза имкониятларини бой бериб қўйдинг... Шундай қилиб ҳайт келганини ҳам билмай қоласиз ва сизни йўқотилган Рамазон билан табриклашга кела бошлашади.

Мен ўтган Раҳмат ойининг биргина лаҳзасига, дақиқасига, соатига бепарво бўлган эдим, уни қўлдан бой бердим. Бу тиклаб бўлмас йўқотишдир. Ер юзида қачонлардир яна унинг файзли соябони остида бўлиш насиб қиласдими, йўқми, буни ҳеч ким билмайди. Ва мана у яна бўсағамизда турибди. Мусулмонларнинг ўй-фикр ва қалбларида: “рамазон, рамазон” қўшифи...

Мақолани ўқиётгандарнинг қайсисигадир бу ой насиб қилмас, бу сўзлар мақола муаллифига ҳам тегишилди. Эй Аллоҳ, Ўзингнинг раҳматингдан шу ойга етишни бизларга насиб қил, етгазганингдан сўнг, бу ойнинг бебаҳо ғанимат эканини ҳис қилдир! Ўтаётган вақтнинг ҳар бир заррасини олтиндан ҳам қиммат эканини бизларга аён қил! Янаги Рамазонгача яшашни ва ушбу муборак ойни муносиб қаршилашни насиб қил!

Лайло Наталья БАҲОДИРИЙ.
Русчадан Абу Муслум таржимаси

РҮЗАВА САЛОМАТЛИК

Рўзанинг инсонга келтирадиган фойдалари ҳақида ran кетар экан, унинг инсон саломатлигига нисбатан ўта фойдали экани энг кўп гапириладиган мавзулардан бирига айланиб қолганини айтиб ўтиш лозим. Ҳа, бу ҳақда бугун бутун дунё гапирмоқда. Бундан аввал ҳам гапирган. Фақат худосиз жамиятларгина рўзани киши саломатлиги учун зарарли, дейишар эди. Ўзларига илм нисбатини берган бу жоҳиллар яқин-яқингача одамларга рўза соғлиқни бузувчи энг катта омил эканини уқтироқчи бўлиб келдилар. Рўза яқинлашиши билан коммунистик ахборот воситалари унга қарши ташвиқот ишларини бошлар эди.

Лекин шу билан бир вақтда, Исломдан, Қуръондан, шариатдан умуман бехабар ҳалқ ва юртлар вакиллари улардаги билим ва тиб хизматлари рўзанинг инсониятга, хусусан соғлик соҳасида қанчалик фойдали экани ҳақида кашфиётлар қилишар, тажрибалар ўтказишар, илмий асарлар ёзишар эди. Энг қизифи, ўша рўзанинг, ихтиёрий оч қолишининг фойдаси ҳақида ran кўтаргандарнинг кўзга кўрингандарни биздаги худосизларнинг катта оғалари ўрислар ичидаги эди. Кейинроқ бошқа тараққий этган давлатларда бу борада анча ишлар қилингани аниқ бўлди. Жумладан, Англия, Франция, Олмония ва АҚШдаги олимлар кишиларни очлик билан даволаш ҳақида сезиларли натижаларга эришдилар.

Одамлар маълум пайтлар ва мавсумларда емак-ичмакдан парҳез қилишади. Бу нарса эса турли қасалликларнинг, ҳатто тузалмас дардларнинг олдини олади ёки шифо бўлади. Инсон туғилганидан то вафотига қадар узлуксиз ишлаган ҳазм аъзоларини йилнинг маълум бир ойида ярим кундан (12 соатдан) ортиқ ишлашдан тўхтаб туриши тиббий жиҳатдан фойда экани исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқатдир. Ҳар ўн икки ойнинг бирида вужуднинг ишлашдан тўхтаб туриши маъносидаги рўза ҳам танга фойда келтиради ва уни турли хасталиклардан сақлайди. Буни тиббиёт фани

ҳам инкор қилмайди. Вужуд бир ой давомида тубдан ўзгарган бир таъминот тартибига мослашади ва хасталикка қарши кураш қобилияти ортади, озиқ-овқат маҳсулотларидан тўла фойдаланиш учун зарур вақт билан таъминланади. Одам кун бўйи енгил вужуд билан ишлаш, кечаси эса тўла дам олиш ва куч йигиш имкониятига эга бўлади. Бу аснода кўрсатилган сабр ва тоқат, шахсият камолида катта аҳамият касб этади. Қоннинг ичақда эмас, мияда ишлаши натижасида киши соглом фикрлайди, нарса ва ҳодисаларни тўғри баҳолайди ва дунёқарашнинг аниқлигига эришади. Демак рўзанинг зарари тўғрисидаги гап бутунлай пучдир.

Тиббиёт муассасаларида олиб борилган бир тадқиқотда қозоз электрофорез усули билан рўза тутгандарнинг вакцина протеинлари ўрганилди ва рўзанинг вакцина протеинлари узра салбий бир таъсири бўлмаслиги олимлар томонидан эълон қилинди. Рўзанинг меъда ярасига салбий таъсири бор-йўқлиги ҳақида турли тортишувлар бормоқда. Меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраларига очликнинг салбий таъсири бўлган ҳоллар учрайди. Маълум бўлишича, ошқозон яраси муайян мавсумларда фаоллашади. Бу борада кўп тўхталмасликнинг аҳамияти бир томони бор: Рўза, бошқача айтганда, рамазон ойи яранинг фаоллашган даврига тўғри келган пайтлардагина салбий таъсири қилиши мумкин. Зотан ибодат ва бошқа мавзуларда осонликни улуғловчи динимиз томонидан ҳам яра фаоллашган даврларда рўза тутмаслик мумкинлиги, яра "тинч" пайтларида рўза қазосини тутилишига йўл берилиши қайд этилган.

Тиббиёт дорилғунунларида ўтказилган йигирма йиллик кузатувларга кўра, ошқозон яра қасаллиги рамазон ойида сезиларли даражада ортган. Аммо бу, рўзанинг инсон соглиғига зарари кўп, дегани эмас. Динимиз бундай беморларга рўза тутмасликка рухсат беради. Яъни, рўза тутишга қурби етмайдиганлар учун рўза тутмаслик вожибdir. Зарар кўриб, машақват чекиб



рўза тутувчи bemорлар рўзасини бузиш ҳуқуқига эгадирлар. Ибн Сирин "Инсон хасталанган ҳолга тушгандага рўзасини бузиши мумкин" деб ёзган. Ҳасан Басрий: "Хасталик туфайли оёқقا туришнинг иложи бўлмаган пайтда рўза очилиши мумкин" деган. Бухорий: "Нишопурда бироз хасталандим. Бу тасодифан рамазон ойига тўтри келди. Шу аснода Исҳоқ ибн Роҳавайҳ мени зиёрат қилишга келди. Ёнида бир қанча шериклари ҳам бор эди. Менга: "Ҳой, Абу Абдуллоҳ, рўзангни буздингми, йўқми?" деди. Мен: "Ҳа, буздим" дедим. Исҳоқ, "Ўзинг қабул этилмай қолишидан кўрқармикансан, девдим. Шунинг учун сўрадим", деди.

Рўзанинг зарарсизлигини, аксинча, соглиққа фойдаси борлигини кўрсатувчи манбалар эса жуда кўп. Пайғамбаримиз бир ҳадисларида: "Рўза тутинг, саломат бўласиз" деганлар. Инсон моддий майлларга асир бўлмаслиги, нафснинг буйруқларига кўнадиган ҳаёт кечирмаслик учун, руҳнинг жасадга ҳукмронлигини таъминловчи энг таъсирили йўл рўза эканини олимларимиз ҳам таъкидлашади. Профессор Ҳамидуллоҳ эса шундай дейди: "Рўза ойи бўлмиш рамазон вақти вақти билан қишига ё ёзга, йилнинг барча мавсумларига тўгри келади ва рўза тутган одам ёзниг жазира маисиқларида ёки қишининг қаҳратон совуқларида турли маҳрумиятларга кўникади. Шубҳа йўқки, одам бундан соглиқ жиҳатидан ҳам, руҳий жиҳатдан ҳам ва бошқа томонлардан ҳам фойда кўради".

Саксониянинг Дрезден шаҳридаги касалхона ходимлари Ҳенри Лахман, Бершер Бенер, Мольерилар эса, касалларни рўза туттириб даволамоқдалар. Бугун овқатланишни назорат қилиш, парҳез билан даволаш ишлари олиб борилмоқда. Рўзанинг яна бир фойдали томони шундаки у қон ишлаб чиқарилишини кўпайтиради. Рўза тутган одамнинг қонида озуқалар камайганда суяқ илиги уйғонади (ишга тушади). Шу сабабдан қонга "бой" қишилардан фарқли равишда қони кам қишилар рўза тутганларида қон ишлаб чиқариш кўпаяди. Рўзадорнинг жигари дам олаётгани туфайли суяқ илигининг қон ишлаб чиқаришга эҳтиёжи ортади ва ичакка тушган моддаларни янада яхшироқ ва соғлиқ учун бехатар қилиб қайта ишлайди. Рўзанинг энг фойдали таъсири эса рак касаллигининг ўсишини сусайтиради. Бунинг моҳиятини профессор Труб изоҳлаб ўтган.

Америкалик мутахассис Пол Брэгг ўзининг эллик йиллик шахсий таржигаси маҳсулни ўлароқ "Мўъжизакор очлик" деган китобини ёзди. Дунёдаги кўплаб тилларга таржима қилинган бу китоб рўзанинг инсон соғлиги учун энг зарур омил эканининг ўзига хос ташвиқотчисига айланди. Инсон соғ-саломат бўлай деса, рўза тутиши зарур экан. Бу эса Имом Табароний ўзларининг "ал-Авсат" китобида Пайғамбаримиз (с.а.в)дан ривоят қилган: "Рўза тутинглар саломат бўласизлар", деган ҳадиси шарифнинг илмий тасдиғидир.

Энг ажабланарлиси, рўза билан даволовчилар киши соғ-саломат юриши учун йилига 28-32 кун ихтиёрий оч қолиши керак, деган холосага келганлар. Аллоҳ таоло эса бу муддатнинг ўртачаси ўттиз кун Рамазонни биз мусулмонларга бундан ўн беш аср илгари фарз ибодати қилиб қўйган. Буюк ватандошимиз шайхурраис Абу Али ибн Сино ҳам кишиларни очлик йўли билан даволаган.

Яқин ўтмишда Сурия бош муфтийси Шайх Аҳмад Куфтару ҳазратлари Ислом оламида рўза билан даволаш бобида анча шуҳрат қозонган эдилар. Айниқса у кишининг ҳузурларида машҳур спортчи, асримиз бокс тарихи афсонасига айланниб қолган жаҳон чемпиони Мұҳаммад Алининг шифо топиши катта шов-шувга сабаб бўлди. Баъзи аъзолари қалтирайдиган касалга муттало бўлган Мұҳаммад Али шифо излаб бормаган жойи қолмаган эди. У ўзини даволатиш учун ўттиз миллион доллар сарфлаган, аммо бирор натижага эришмаган эди. Аллоҳ унга йигирма кунлик очликдан сўнг шифо берди. Яқинда очлик билан саратон-рак касалидан шифо топган одамлар ҳақида ҳам хабарлар тарқалди.

Бу ерда келтирилган ва келтирилмаган барча илмий ҳақиқатлар бизнинг муқаддас китобимиз Қуръони каримнинг оятларида тафсир моҳиятидадир. "Агар билсангиз (ҳозирги тиб илми тили билан айтганда: вужуд физиологиясини ва физиопатологиясини билсангиз) сизнинг рўза тутишингиз ўзингиз учун яхшироқdir" (Бақара сураси, 184-оят). Ана шундай фойдали нарсани биз мусулмонларга савоб ва маънавий ибодат қилиб қўйган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин.



ТАРОВЕХ НАМОЗИ

Араб тилидаги “таровех” сүзи луғатда “дам олиш; роҳатланиш” маъноларини билдиради. Рамазон ойида адо этиладиган йигирма ракатли намознинг ҳар тўрт ракатини ўқигач бир оз дам олингани учун шундай ном берилган. Унинг вақти рамазон ойида хуфтон намозидан кейин кириб, то бомдод вақти киргучи давом этади. Витрдан олдин ҳам, кейин ҳам ўқиш дуруст бўлади, лекин афзали – таровеҳни витрдан олдин ўқиш.

Таровеҳ намози таъкидланган суннатлардандир. Жамоат бўлиб ўқиш эса маҳалла кишилари учун кифоя суннат ҳисобланади. Яъни, айримлар жамоат бўлиб таровеҳни ўқишига, қолгандардан жамоат бўлиб ўқиш суннати соқит бўлади. Аммо бир маҳаллада ҳеч ким жамоат бўлмаса, шу маҳалладаги ҳамма одам суннатни тарк қилган ҳисобланади.

Таровеҳ икки ракатдан ўқилади, ҳар тўрт ракат ўқилгач, бир оз истироҳат учун ўтирилади. Намозхон шу ўтиришда зикр ва тасбех ила машғул бўлади ёки сукут сақлайди. Бизнинг диёримизда ушбу ўринда қўйидаги каби тасбехлар ўқиш одат бўлган: «Субҳана зил мулки вал малакут. Субҳана зил ъиззати вал ъазомати вал қудроти вал кибрия’и вал жабарут. Субҳанал маликил ҳаййиллази ла ямут. Суббухун қуддусур роббuna ва роббул мала’икати варруҳ. Лаилаха иллаллоҳу настрафирруллоҳ, насьалукал жанната ва наъзу бика минан нар».

Таровеҳ намозларида Қуръони каримни бир марта ўқиб тугатиш рамазон ойининг суннат амалларидандир. Хатмни рамазон ойининг 27-кечасида, яъни «Қадр кечаси»да тугатиш яхши. Йигирма биринчи ёки ундан олдинги кечаларда тугатиш макруҳdir. Чунки машойихларимиз Қуръони карим оятларини 540 руқуъга тақсимлаб чиқишиган ва мусҳаф саҳифаларининг ҳошияларига руқуъга дадолат қиливчи белгилар қўйишни жорий қилишган. Ҳар кеча йигирма ракатдан ўқилганида 27-кечада 540 марта руқуъ қилинган бўлади. Қуръони карим хатми «Қадр кечаси»да ёки ундан олдин тугатилган бўлса ҳам, қолган кечаларида таровеҳ ўқиш тўхтатилмаслиги лозим. Акс ҳолда макруҳ иш қилинган бўлади.


Таровеҳ намози рамазон ойи суннатларидан ҳисобланади, рўза суннатларидан эмас. Шу сабабли таровеҳ намозини ўқиш мусофири учун ҳам, рўза тутмаган узрли касал учун ҳам суннат бўлади. Шу билан бирга, ҳайз ва нифос кўраётган аёллар ҳам агар куннинг охирида пок бўлишига, таровеҳни ўқишилари суннат бўлади. Агар бир имом хуфтон намозини ўқиса, иккинчи имом таровеҳни ўқиса, шундан сўнг олдинги имомнинг таҳорати йўқлиги маълум бўлса, хуфтон ва таровеҳ қайта ўқилади. Агар бир одам масжидга кирса, имом таровеҳни ўқиб турган бўлса, у киши олдин фарз хуфтон намозини ўқишиди. Хуфтондан кейинги икки ракат суннатни, таровеҳ имомига иқтидо қилиб ўқиса, жоиз.

Таровеҳ қазо бўлса, жамоат билан ҳам, ёлғиз ҳам ўқилмайди. Чунки қазо фарз ва вожиб аммаларгагина хосланган. Афзали – имом жамоатнинг ҳолига қараб, қироатни бир оз тезлатади, лекин тезлик намозни бузадиган ёки намозхонлар англаёлмай қоладиган даражада бўлмаслиги шарт. Шошиб қироат қилинмайди, “тааввуз”, “басмала”, саловот, қовма ва жалсалар тарк этилмайди. Таровеҳ намозларида Қуръони каримни хатм қилинши қавм оғир олса, имом уларга қарамайди, балки суннатни адо қиласди.

Таровеҳнинг ҳар икки ракати мустақил намоз бўлиб, уларга алоҳида ният қилинади, таҳrima тақбиридан сўнг «Сано», «Аъзуз...» ва «Бисмиллаҳ...» ўқилади, қаъдада ташаҳҳудга қўшимча саловот ва дуолар қўшади ва ҳоказо. Таровеҳда «Аттаҳийёт»дан кейинги саловотлар ҳам ўқилади. Мободо имом саловотдан кейинги дуони ўқиш қавмга малол келаётганини сезса, уни тарк этиши мумкин.

Таровеҳ намозларини тик туришга қодир бўлатуриб ўтириб ўқиш макруҳdir. Аммо қиёмда туриб ўқиса, ўтириб ўқиганидан кўра яхши. Эргашувчи имом руқуъга боргунича иқтидо қилмай ўтириб, руқуъга борганда иқтидо қилиши ҳам макруҳ. Чунки бунда ибодатга дангасалик кўринади.

Таровеҳ намози масжидда адо қилиниши маъқул. Чунки шариатга кўра, жамоат бўлиб адо қилинадиган ибодатларнинг афзалроғи масжидда қилинганидир. Бир масжидда икки марта таровеҳ намози ўқилиши макруҳ ҳисобланади. Иккинчи марта ўқишини хоҳловчилар жамоат бўлиб эмас, балки якка-якка ўқишади. Таровеҳга кеч келган киши қолган таровеҳнинг қазосини ўқиб олай деса, витрга эргашишдан ҳам қолади. Бундай ҳолатда олдин витрни (жамоат билан), сўнгра улгурмаган таровеҳ ракатларини ўзи ўқишиди.



ЗАКОТ – МОЛИЯВИЙ ИБОДАТ



“Закот” сўзи луғатда «орттириш, поклаш, баракот» маъноларини англатади. Дарҳақиқат, закот берганинг моли покланиб, барака киради. Шаръий истилоҳда моли нисобга етган одамнинг ҳар қамарий йилда бир марта молининг қирқдан бир улушкини Аллоҳ таоло фарз қилган ҳақдорларга бериши «закот» дейилади.

Закот динимизнинг беш асосий руқнидан бири, молиявий ибодат саналади. Китоб, Суннат ва ижмөъ билан событдир. Уни инкор этган диндан чиқади, ишониб адo этмаган улкан гуноҳ орттиради. Закот ҳижратнинг иккинчи йили фарз қилинган. Закотда вақт тайин этиш жоиз. У балоғатга етган, ақлли, эҳтиёж ва қарзларидан ташқари йил тўлган нисоб миқдоридаги (ҳукман бўлса ҳам) қўпаювчи мол-мулки бор мусулмонга фарз бўлади. Закот бераётганда ёки мулкидан ажратадиганда унинг закот эканини ният қилиш лозим. Фақир олаётган моли закот эканини билиши шарт эмас. Аммо закот берувчи уни ният қилиб бир фақир ёки етимнинг қорнини тўйдирса, бу харажат закот ўрнига ўтмайди.

Шаръий закот Қуръон ва Суннатда «садақа» деб ҳам номланган. Солиқлар закот ўрнига ўтмайди, чунки закот камбағалларга мулк қилиб берилиши керак.

ЗАКОТ БЕРИЛАДИГАН ШАХСЛАР

Ислом шариатида закот қўйидагиларга берилади:

1. Фақирларга, яъни моли нисобга етмаганларга.
2. Мискинларга, яъни ҳеч нарсасиз йўқсилларга.
3. Омилларга, яъни закот йиғувчиларга.
4. Озод бўлиш учун хожаси билан шартнома тузган қулларга.
5. Муаллафатул-қулубга, яъни кўнгли Исломга мойил бўлиб турганларга.
6. Қарздорларга, яъни молидан қарзи кўпларга.
7. Аллоҳ йўлидагиларга, яъни ҳаж йўлида, урушда, илм талабида юрганларга.
8. Йўлда қолган мусоғирларга, мамлакатларига етиб олгудек миқдорда закот берилади.

Бобо-момо, ота-она, фарзандларга, бойларга закот берилмайди. Эр хотинга ёки хотин эрга ҳам закот бермайди. Аммо ака-ука, опа-сингил, амма-амаки, тоғахола каби қариндошларга закот берилади.

ҲАЙВОНЛАР, ТИЛЛА-КУМУШ ЗАКОТИ

Қўйлар учун закот: қирқтадан камига закот берилмайди. 40 тадан 120 тагача – бита қўй, 121 тадан

200 тагача – иккита қўй, 201 тадан 399 тагача – учта қўй, 400 дан 499 тагача – тўртта қўй, 500 дан 599 тагача – бешта қўй закот берилади. Қорамол учун закот: ўттизтадан камида закот берилмайди. 30 тадан 39 тагача – битта табиъ (бир ёшдан иккига ўтган эркак ёки урғочи мол), 40 тадан 59 тагача – битта мусинна (икки ёшдан уч ёшга ўтган эркак ёки урғочи мол), 60 тадан 69 тагача – иккита табиъ, 70 тадан 79 тагача – битта табиъ ва битта мусинна, 80 тадан 89 тагача – иккита мусинна, 90 тадан 99 тагача – учта табиъ закот берилади. Туя учун закот: 5 тадан 9 тагача – битта қўй, 10 тадан 14 тагача – иккита қўй, 15 тадан 19 тагача – учта қўй, 20 тадан 24 тагача – тўртта қўй закот берилади. 25-35 гача битта икки ёшга ўтган бўталоқ, 36-45 тагача уч ёшга ўтган бўталоқ, 46-60 тагача битта тўрт ёшга ўтган бўталоқ, 61-75 тагача беш ёшга ўтган бўталоқ, 76-90 тагача иккита уч ёшга ўтган бўталоқ, 91-120 тагача иккита тўрт ёшга ўтган бўталоқ берилади. Қўй, қорамол ва туя йилнинг аксар ойларида яйловда юрсагина улардан закот берилади.

Тилла, кумуш ва пуллар закоти: тилла-кумуш қандай шаклда эканидан қатъи назар (хоҳ танга, хоҳ тақинчоқ, тижорат ният қилинган-қилинмаган бўлсин) закот берилади. Тилланинг нисоби 20 динор, оғирлиги 20 мисқол (85 грамм), кумуш нисоби 200 дирҳам, оғирлиги 140 мисқол (595 грамм).

Тижорат моллари учун закот: Тижорат молларининг қиймати нисоб микдорига етса, улар қийматининг қирқдан бири закот учун берилади. 85 грамм тилла ёки 595 грамм кумушга тўғри келса, моли нисобга етган ҳисобланиб, закот бериш фарз бўлади.

ОТНИНГ ЗАКОТИ

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ва саҳобаларнинг даврларида отдан қурбонлик қилинмаган ҳамда бунга кўрсатмалар ҳам келмаган. Шунингдек, биз билган китобларда ҳам отни қурбонликка сўйиш ҳақида маълумот кўрмадик.

Агар нисобга етган бўлса, урғочи ва эркак-урғочи аралаш отларнинг ҳар биридан бир динор ёки қийматининг ўндан бирининг тўртдан бири микдорида закот берилади. Бу матнадаги маъно Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг ижтиходига биноан келган. Аммо бу масалада ҳанафийларнинг ўзлари ҳам турлича ижтиход қилганлар:

1. Миниладиган, ишлатиладиган ва жиҳодга тайёрланган отлардан закот олинмайди.
2. Тижорат учун сақланадиган отлардан закот олиннади.
3. Ем бериб боқиладиган отлардан закот олинмайди.

Демак, тижорат учун бўлган от, хачир ва эшаклардан закот олиннади.

Ҳанафий мазҳаби уламолари отнинг нисоби ва ундан чиқариладиган закот микдори ҳақида бир неча хил гап айтишган. Улардан мақбулроғи, нисоб бешта от, бериладиган закот ҳар бир отдан бир динор бўлади. Ёки отнинг нархини пулга чақиб, ҳар икки юз дирҳамдан беш дирҳам чиқаришидир. Бугунги куннинг тили билан айтганда от бешта ва ундан кўп бўлса, ҳар бир отдан унинг қийматининг беш фоизи микдорида закот берилади.

АЁЛЛАРНИНГ ТИЛЛА ВА КУМУШ ТАҚИНЧОҚЛАРИ ЗАКОТИ

Ушбу масалада уламолар ҳам, фиқҳий мазҳаблар ҳам икки тоифага бўлинишган. Биз мазҳабларни оламиз:

1. Ҳанафий мазҳаби аёлларнинг тақинчоқларидан закот чиқарилади, деган.
2. Моликий, шофеъий ва ҳанбалий мазҳаблари аёлларнинг одатдаги тилла ва кумуш тақинчоқларидан закот чиқариш фарз эмас, дейишган.

Ҳанафийлар, биз ҳадисга суюнмоқдамиз, сизлар саҳобаларнинг асарларига суюнмоқдасиз, дейишиди. Жумҳур эса, сиз келтираётган ҳадислар аввало унча кучли эмас, қолаверса аёлларга тилла-кумуш тақинчоқлар ҳалол қилинишидан олдин айтилган ҳадислар, биз эса ўша дақиқ нарсаларнинг яхши билган саҳобийларнинг амалини далил қилиб келтирамиз, дейдилар.

Сўнгра ақлий-мантиқий далилларга навбат келади. Ҳанафийлар тақинчоқлар нақд пул учун кўзланган маъданлар-кумуш ва тилладан ясалади, бу маъданлардан доимо закот чиқариб келинган ва келинмоқда, улардан тақинчоқ бўлганда ҳам закот чиқарилиши керак, дейдилар. Жумҳур эса, тақинчоқлар ясалгандан кейин улар пуллик қобилиятини йўқотади, бу нарсалар аёлларнинг шахсий ҳожатларини чиқарадиган нарсага айланган, закот эса ўсуви ва ўсишга қобилиятли молдан, инсоннинг ҳожатидан ташқари молдан олиннади, шунинг учун аёлларнинг тилла ва кумуш тақинчоқларидан закот олинмайди, дейдилар.

Эслатиб ўтишимиз керакки, бу тортишув нисоб микдоридан ортиқ, яъни, саксон беш граммдан ортиқ бўлган тақинчоқлар ҳақида кетмоқда. Демак, ҳанафий мазҳабига амал қилган аёллар ўзларининг тилла тақинчоқларини 85 граммдан ортиқ бўлса, кумуш тақинчоқлари 595 граммдан ортиқ бўлса, закот берадилар. Закот берганда улар қийматининг икки ярим фоизини чиқарадилар.



ШУКУХ ВА ЎКИНЧ

**МУБОРАК ОЙ КЕЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТУГИЛГАН АЙРИМ МУДОҲАЗАЛАР
КЎЗНИ ОЧИНГ, ТОЖИРЛАР!**

Фарб мамлакатларида ҳар йили декабр ойининг охирида Исо алайхиссалом таваллуди (Рождество байрами) муносабати билан жуда катта миқдорда савдо молларининг нархини тушириш тадбири амалга оширилади. Савдо дўконларининг витриналари бу ерда нархлар қанчага туширилгани ҳақида хабар берувчи реклама лавҳалари билан тўлиб, безаниб кетади. Йирик савдо компаниялари молларининг нархини пасайтиришда бир-бирлари билан чинакам мусобақа бошлишади. Мутахассисларнинг айтишларича, АҚШдаги Рождество байрами олдидан молларининг нархини тушириш туфайли савдо компаниялари бир-икки ҳафта ичida бутун йил бўйи қилган даромадларидан кўра кўпроқ фойда олишар экан.

Худди шу ўринда қизиқ бир савол туғилади: диний байрам муносабати билан молларининг баҳосини ўн фоиздан тўқсон фоизгача пасайтирган фарблик тожирлар қандай қилиб йилни катта фойда билан якунлаганлари ҳолда уларга ибрат бўлиши керак бўлган мусулмонлар негадир Аллоҳнинг баракаси ҳақида унча бош қотирмай қўйишиди. Бу кўнгилсиз ҳолат айниқса мусулмонлар учун ниҳоятда қадрли ва шарафли бўлган Рамазон ойи кириб келиши билан яқъол кўзга ташланиб қолади.

Рамазон ойининг баракасидан манфаат олишлари керак бўлган тожирларимиз айнан шу ойда молларининг нархини бошқа ойлардагидан бир неча фоизга кўпайтириб юборишади. Нондан тортиб ширинликкача, мева-чевадан тортиб сабзавотгача, гўшт-сут маҳсулотларию ҳатто айрим хизматларгача – ҳамма нарсанинг нархи бирданига осмонга “сапчиб” кетади. Бутун дунёда, ҳатто Исломдан йироқ насроний ўлкаларда диний байрам ва саналар муносабати билан ҳамма нарса арzonлашгани ҳолда мусулмон юртларда бунинг акси бўлиши ҳеч қандай соғлом ақлга тўғри келмайди. Бунинг устига рўзадорларга қимматроқча пуллайман, деган ниятда Рамазон олдидан озиқ-овқат маҳсулотларини шошилинчсуратда йиғиб-ғамлашга тушадиган савдогарларимизнинг борлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

“Инософ сари барака” дейди доно ҳалқимиз. Барака ойининг, хайр-саҳоват ойининг, меҳр-шафқат ойи-

нинг фазлини англамай, бу ойда каттароқ фойда олиш, рўзадорларнинг пулини кўпроқ шилиш, энг ачинарлиси, бу ойда ҳам алдов, ҳийла, хиёнат каби қусурларидан воз кеча олмаётган айрим ноинсоф тожирларимиз кўзни каттароқ очиб, фарбликлар тажрибаси ҳақида бироз мулоҳаза қилиб кўришса, ёмон бўлмас эди.

РЎЗАДОРНИНГ ҲУРМАТИ ҚАНИ?

Кўпгина хорижий ўлкаларда, ҳатто мусулмонлар озчиликни ташкил этадиган юртларда ҳам Рамазон ойининг ҳурмати, рўзадорларнинг эҳтироми масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Рамазон ойда Эрон, Сурия, Урдун, Саудия Арабистони, Туркия каби мамлакатларда сафарда бўлганимда у ерларда муқаддас ой ҳурматидан кундузлари барча ошхоналар беркитиб қўйилишини, факатгина рўза тутишда узри борлар ва мусофиirlар учун ташкил этилган ошхона ва емакхоналар одамлар кўзидан пана жойларда, эшик ва деразалари ёпиқ ҳолда иш олиб боришини кузатганман. Аҳолисининг катта қисми ғайримуслим бўлган Хиндистанда ҳам рўзадорлар ноҳуш ҳолга тушмасинлар, деб кундузи ошхоналарнинг деразалари парда билан ёпиб қўйилади. Асри саодатда Мадинада яшаган яҳудийлар рўзадорларга малол келмасин, деб қўчага ўйнагани кетаётган болаларининг қўлига емак беришмаган экан.

Бундан анча йил олдин Намангандаги “Атлас” комбинатида ишлаб юрганимда комбинатни текширгани Масковдан бир вакил келди. Уни олиб юриш менга топширилди. Ўша кунлари рўзадор эдим, миёда меҳмонни қаерга тушликка олиб бориш ва қандай овқатлантириш ташвиши. Хайриятки, унинг ўзи жонга ора кириб қолди. “Билишимча, ҳозир сизларда пост пайти (рўза демоқчи) экан. Шунинг учун ошхонага тушликка бориб ўтирасак, меҳмонхонада енгилроқ бирор нарса еб оларман”, деб таклиф киритиб қолди. Ғайримуслим бўлган рус кишисининг ўзбек мусулмонлари риоясини қилиб ва рўзадорларга ҳурматан бундай йўл тутиши, гапнинг рости, ўшанда мени тўлқинлантириб юборганди.

Энди нигоҳингизни бугунги кунимизнинг ажаб манзараларига қаратмоқчиман. Рамазон ойи кир-

ган, ёзинг чилласига қарамай, күплаб мусулмонлар Аллохнинг амрига бўйсуниб, рўза тутишган. Сиз ҳам рўздорсиз. Кўчада ишга ёки юмушингизга кетяпсиз. Ҳар қадамдаги ошхона ва ресторонлардан чиқаётган таомларнинг тутуни ва ҳиди димофни ёрай дейди. Бу ҳам етмагандай, "Кепқолинг, барра кабобларга, зақазной сомсаларга!" деган ноўрин чорловлар... Тоғни урса талқон қиладиган йигитларнинг рўздорлар кўз ўнгиде бемалол таом еб ўтиришлари ёки чанқовбосди ичимликларни симириб юришлари ёки башарангизга тамаки тутунини пуркаб ўтишлари одамга аллақандай эриш туюлади... Бирор нарса харид қилиш учун бозорга кирсангиз, яна ноxуш ҳолатлар. Ўрик ё олма сотаётган сотовучи молини ўтказиш учун "Ишонмасангиз, мана тотиб кўринг" деб сизни мевадан еб кўришга чорлайди.

Рамазон кириши билан барча ошхоналар ёпилиши керак, деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Чунки узрлилар бор, қария ва беморлар бор, мусофиirlар бор, ғайридинлар бор. Улар рўза тутишмайди, кундузи овқатланишлари керак. Бу ерда гап Рамазон ойининг ҳурмати, рўздорнинг эътиқоди эҳтироми ҳақида бораётир. Одамлар эътиқодини ҳурмат қилиш эса маданиятнинг бир белгиси, жамият бирдамлигининг асосидир.

Сўзимизни Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадислари билан яқунлашни истадик. Абу Зарр Фифорий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: "Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Агар инсонлар Рамазон ойидаги мукофотлар, савоблар, неъматлар ва раҳматларни билишса эди, Рамазоннинг йил бўйи давом этишини хоҳлаган бўлишарди", деганлар". Ўзлари рўза тутишмагани бир ёқда қолиб, рўздорларнинг эътиқодини ва ҳурматини поймол қилаётгандар бу ҳақда бир ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди.

НАФСНИ ЖИЛОВЛАШ ЎРНИГА...

Рамазон ойида бутун ер юзига Аллохнинг баракоти ёғилиб туришига қарамай, ихтиёрий оч юришнинг, яъни рўза тутишнинг ҳикмати Аллоҳга бандаликни изҳор қилиш, оч-ночорларнинг аҳволини англаб этиш, ҳавоий нафсни синдириш, шайтонга қаҳр кўрсатишидир. Рамазонда рўза тутишдан мурод нафсни жиловлаш, унинг истакларини бажаришдан тийилиш, сабр, қаноат, итоат орқали Аллоҳ таолонинг розилигини топиш, Унинг ажру мукофотларига сазовор бўлишдир. Рамазон рўзасини тутиш тош қотган қалбларни эритиш, муҳтожлар кўнглини олиш, саховат ва ҳимматни янада кучайтириш, худбинлик, жоҳилликни тарк этиб, унинг ўрнини меҳр, тавозеъ ва ҳалимликка бўшатиб бериш, демақдир. Рўза тутишдан мурод нафсни тарбиялаш, очлик ва ташналикка чидаш, шу йўл билан буюк Парвардигорга бандаликни изҳор этишидир.

Аммо ифторликларимизга ва саҳарликларимизга бир назар солинг: нафсни жиловлашни эмас, унинг бошвоғини тўла қўйиб юбориши, қаноат ва ҳоккорликни эмас, исрофгарчилик, сабрсизлик ва фахрни кўрасиз. Аждодлар ифторлик ва саҳарликда кўпинча бир бурда нон, бир ҳовуч ҳурмо ва бир-икки

пиёла сув билан қаноатлангани ҳолда уларнинг авлодлари бугун машшатбозликда, кўп ва хўб истеъмол қилишда, етти-саккиз хил таом ейишда бир-бирлари билан мусобақага киришган. Илгари мен Рамазонда фалон кило озибман, деб қувониб юрганларнинг фарзандлари рўзадан қорин қўйиб, савлатдор бўлиб чиқишияпти.

Ифторлик, саҳарлик дастурхонларимизни кўрган одам рўза тутганимизга мутлақо ишонмайди. Кўпинча ифторликка бир-биридан мазали тўрт-беш хил иссиқ таом, турфа салатлар, бир неча хил пишириқлар, қанд-қурс, писта-бодом, анвойи мева-чевалар (ҳатто банан, ананас, пўртахол, киви каби хориждан келтирилганлари ҳам бор) тортилаётгани ҳам сир эмас. Таклиф қилган одамларимиз кўплигидан ифторликларимиз ўхонадонга сифмай, ресторан ва тўйхоналарга кўчмоқда. Кун бўйи оч-наҳор юрган одамнинг кечга бориб бирданига шунча нарсани қоринга жойлаши қанчалар зарар келтириши ҳақида бир ўйлаб кўринг. Кундузи емаганларимизнинг, ичмаганларимизнинг ҳиссасини кечга бориб бир неча баробар қилиб чиқариб юбориш рўза тутишнинг ҳикмати ва моҳиятига мос келармикин? Ахир, нафсни жиловлаш, уни тарбиялаш фақат оғиз берклигида эмас, оғиз очар пайтию саҳарлиқда ҳам давом этиши керак-ку!

Шундай улуғ-фазилатли ойда айрим мусулмонларнинг (ҳа, айнан мусулмонларнинг!) бемалол ароқ ичиб юришганига, майхўрликларини тўхтатмаганига нима дейсиз? Туғилган кун, гап ейиш ва бошқа маросимларни "ифторлик" номи билан ўтказилаётганига, уларда ифторлик дастурхонига "шайтон суви" ҳам тортилаётганига ҳам нима дейсиз? Имомлардан бирининг ҳикоясига қараганда, пойтахтдаги бир хонадонда фарзандларининг туғилган куни муносабати билан ўюштирилган зиёфатга "ифторлик" номи билан одамларни таклиф этишибди. Маҳаллани алоҳида, улфат ва ҳамкасларни алоҳида дастурхонга ўтқазишибди. Кейингиларига чойнакларда ароқ тортилибди. Покиза ифтор дастурхонида ҳаром ароқнинг айланишини нима деб номлашга сўз ҳам тополмадик.

"РАМАЗОН ҚЎШИФИ"

Кўп қаватли уйда яшайдиган бир танишимизнинг хонадонида ифтор қилаётган эдик. Шом намозини ўйиб бўлиб, дастурхонга келиб ўтиришимиз билан йўлакдан бир неча болакайларнинг "Рамазон қўшифи" эшитилиб қолди.

Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Худойим фарзанд берсин бешигингизга...

Болаларнинг ўзига хос соддагина бу қўшикини эшигтан ҳамманинг чехрасида бир жилмайиш пайдо бўлди, ўз болалигининг тансиқ хотиралари эсга тушиб, қалблари бир тўлқинланиб олди. Кимдир болаларга ҳадя бермоқчи бўлиб чўнтак кавлашга тушди, кимдир дастурхондаги шириналардан илинмоқчи бўлди. Хонадон соҳиби болакайларни торт билан сийламоқчи бўлиб, кесгани пичоқ ахтаришга тушди.

Шу пайт пүрим кийинган зиёлинамо бир кишининг қатъий амри барчани диллаб турган ниятидан тўхташга мажбурлади. У пачоқ гавдасига ярашмаган дўрилдоқ овозда шундай деб қолди:

– Оббо, болаларнинг ҳар куни шунаقا ялоқиланиб “Рамазон” айтиб келавериши жонга тегиб кетди-да! Келажагимиз бўлмиш фарзандларимизни бунаقا тиланчиликдан, сурбетлиқдан қайтариш ўрнига ҳаммаларинг бирор нима беришга шошиб қолдинглар. Бу уларнинг тарбиясини бузади-ку, ахир! Яна бунинг устига диний ашула айтиб, одамларнинг уйидан нарса тиланиб юришлари ахлоқимизга мутлақо тўғри келмаслигини билмайсизларми? Ана шу ашула айтиб тиланиб юрганларнинг бари ўзига тўқ оиласардан. Ваапше, буларнинг ота-онаси, устозлари қаёққа қарайяпти ўзи?

Бу киши каттароқ мансабдор шекилли, ҳеч ким унинг сўзларига эътиroz билдиришга ботинмади. Мени эса бошқа бир нарса қийноққа соларди: ана шундай кимсаларнинг “тарбия”сини олган болалар эртага минг йиллик урф-одатларимиз, анъаналаримизга “диний” тамға ёпишириб олиб, уларни одамлар онги ва турмушидан қисиб чиқарадиган, ўтмишини тан олмайдиган, тарихини менсимайдиган аллақандай манқурт кимсалар бўлиб етишмаслигига ким кафолат бера олади? Беозоргина Рамазон қўшиғи нега бундайларнинг қаттиқ нафратега учрайяпти? Ахир фарзандларимизнинг Рамазон ойи оқшомларида ана шундай қўшиқ қўйлаб юришлари айrim безътибор одамларга рўза ойининг кирганини билдиришга, болаларни Рамазон ойига муҳаббат руҳида улғайишларига бир туртки эмасми? Ахир, бизларнинг болалик пайтимида тенгдошларимизнинг ярим тунда нофора, тофора чалиб одамларнинг саҳарликка ўйғотганлари, одамлар таровех намозидан қайтгунларича кўчалар турли ўйинлар билан машғул болалар билан тўла бўлганига ана шу анъаналарга содиклик сабаб бўлмаганмиди!?

Харқалай, эртасига болалар “Рамазон қўшиғи”ни айтиб хонадонимиз эшигини тақиллатишганида бир ҳовуч ширинлик билан уларнинг истиқболига чиқдим...

ОЛИС ЎТМИШ САДОСИ

Узоқ ўтмишда Усмонли салтанат пойтахти Истанбул бошқа Ислом шаҳарлари каби Рамазон ойи кириб келиши билан ўзгача бир шукух, ўзга бир тарботга тўлиб кетган. Рафаэл Льюиснинг “Усмонли Туркия” китобида ёзилишича, бу муборак ой кириб келиши билан одамлар бутунлай бошқача бир ҳаёт тарзини бошлашган. Бу ойда ҳеч ким кечалари уйда бўлмас эди. Сон-саноқсиз масжидлардан янграган муazzиннинг азонидан сўнг ҳамма бирданига уйларини тарқ этиб кўчага ошиқар эди. Оғизларини очибоқ ҳамма шом намозини жамоат билан адо этиш учун яқин атрофидаги масжидга чопарди. Намоздан сўнг кўча ёқаларига очилган ёзги емакхона ва ошхоналар минглаб рўзадорларни ўз бағрига оларди. Ҳамма жойда хурсандчилик, шукух, файзу баракот ҳукмрон. Қўлларида шақилдоқ ёки фонуч кўтарган болакайларнинг айниқса қувончлари чексиз.

Улар катталарни рамазон билан қутлашади, у ер-бу ердан янграётган Қуръон ҳофизларининг қироатларига муҳаббат билан қулоқ солишади. Бўш қолди, дегунларича турли ўйинларга берилишади.

Салтанатнинг барча шаҳарларида Рамазон ойи кириши билан Қуръон ҳофизларининг мусобақалари бошланади. Ким тажвид қоидаларига риоя қилиб, хуш савт билан Қуръон қироат қилса, ўша ҳофизнинг атрофи одамларга тўлиб кетади. Масжидларда ҳам таровех намозларида Қуръон тиловати... Бойроқ кишилар қориларни хонадонларига таклиф этиб, дўст-ёронлари, қавми-қариндошлари иштирокида Қуръон тиловатига сомеъ бўлишади.

Бирорта ҳовлининг эшиги беркитилмайди, ҳамма бир-бириниги ташриф буюради. Мусофиirlар ва муҳтоҷ кишилар ўзига тўқларнинг хонадонига индамай, ҳеч қандай рухсат сўрамай кириб бориб, ифторликнинг баҳам кўраверади. Одам кўп тўпланадиган майдонлар, катта кўчаларда масхарабозлар, дорбозлар, “соя театрлари” (ҳозирги қўғирчоқ театрининг бир тури) одамларни ўз томошалари биалн мамнун этишади. Қаҳвахоналарда эса бир гурӯҳ одам қиссаҳонларнинг Ислом тарихига ва саҳобалар ҳаётига оид мароқли ҳикояларини тинглаш билан банд... Хулласи, ҳамма ерда байрамона кайфият, Рамазон файзи-футуҳи ва шукуҳи...

Ана шу сатрларни ўқияпману қалбимни бир ўқинч тирнаяпти, жавобсиз саволлар безовта қиляпти... Халқининг асосий қисми мусулмон бўлган, ота-боболари бутун тарих давомида Рамазон ойини улуғлаб, эҳтиром кўрсатиб келган юртда Рамазон ойига юқоридагидай байрамона кайфият бағишлай оляпмизми? Наврӯз куни ойлаб байрам қилингани ҳолда Рамазон ойига бағишлаб ҳам маҳсус кўрсатув ва илмий сұхбатлар уюштирилармикин? Эртадан кечгача қўшиқ-рақслар намойишидан бўшамаётган радио ва телевидениемиз ушбу ойни бир неча мақбара ва қадамжонлар намойиши “билин нишонлаш” ўрнига Рамазон ва Ислом тарихи, бу ойнинг фазли ва фазилати, рўзадорларга аталган маърифий сұхбатлар, амри маъруф ва наҳийи мункар мавъизалари билан сийлашга ўтармикин? Бизнинг рўзадорларимиз ҳам шу юртнинг фарзанди, унинг равнақи ва келажаги учун жон фидо қилувчи содик фуқаролариdir. Шундай бўлгач, улар ҳам муқаддас Рамазон ойининг байрамона, шоду хуррамлик билан ўтишини исташади. Ва бунга ҳақлидирлар ҳам!

Беҳзод АБДУРРАШИД.

АБДУЛЛОҲ ИБН АББОС

Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб ал-Қурайший ал-Хошимий (розияллоҳу анҳу) улуғ саҳобалардан, ҳижрратдан уч йил олдин тугилганлар, кунялари Абул Аббос. Оналари Умму Фазл Лубоба бинти Ҳорис.

Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Эй Роббим, Абдуллоҳга ҳикматни ўргатгин», деб дуо қилганлар. Пайғамбаримиз вафот этгандаридан ўн уч ёшда эдилар. Қуръон, ҳадис ва фиқҳ илмларининг машҳур олими бўлиб етишидилар. Ёшлиқданоқ кўп оят ва ҳадисларни ёд билардилар. Расули акрамдан 1660 та ҳадис ривоят қилиб, бу борада бешинчи бўлганлар. Абдуллоҳ нақл қилган ривоятларнинг бир қисмини машҳур муфассир ва муҳаддис Фирузободий «Тафсир миқёс тафсири ибн Аббос» номи билан китобат қилган. Тафсир илмининг пешқадами бўлганлари учун «Таржумони Қуръон» унвонини олганлар. Ҳазрат

Али даврларидаги Басрага волий этиб тайинланганлар ва у киши билан Жамал ва Сиффиий жангларида қатнашганлар. Умрлари охирда Маккада илм толибларига дарс берииш билан машгул бўлдилар. Ҳижрий 68 (милодий 687) иили етмиш бир ёшда Тоифда вафот этгандар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга пайғамбарлик келганига ўн йил тўлганда у зотнинг амакиларидан бири Аббос ибн Абдулмутталиб Лубоба бинти Ҳорис исмли аёлидан ўғил фарзанд кўрди. Ўша пайтда Қурайшнинг кўзга кўринган арбобларидан бири бўлган Аббос ибн Абдулмутталиб янги фарзандга Абдуллоҳ деб исм кўйди. Зоҳиран ўз жияни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирмаган бўлса ҳам, иймонини ичига яшириб юрган Аббос ибн Абдулмутталиб гўдакни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб борилишини ва у зот уннинг танглайнини кўтариб қўйишларини йўлга кўйди. Балки бунга гўдакнинг онаси Лубоба бинти Ҳорис ибн Ҳазн ал-Ҳилолия сабабчи бўлгандир? Чунки у киши фозила аёллардан саналиб, баъзи ривоятларда келишича, у киши Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Хадийжа она миздан кейин биринчи иймон келтирган аёл ҳисобланадилар. Ана шу тарзда мушрикларнинг Исломга, мусулмонларга ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга тазииклари ҳаддан ошиб турган бир пайт-да ёруф дунёнинг юзини кўрган Абдуллоҳ ибн Аббос илоҳий бир тадбир билан оғзига олган биринчи ғизо охирзамон пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак туфуклари бўлди.

Аллоҳ таоло Ўзининг ҳабиб пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Ўзининг омонлик юрти Маккаи Мукаррамани фатҳ қилиш жараёнида Абдуллоҳ ибн Аббоснинг отаси Аббос ибн Абдулмутталиб ҳам ўз Исломини баралла ошкор қилди. Шу билан бирга, у Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларидаги бирга яшаш учун ўз оиласи билан Мадинаи Мунавварага кўчиб борди.

Ўша пайтларда эндиғина ўн-ўн бир ёшларга кириб қолган зийрак Абдуллоҳ ибн Аббос энди бевосита мадрасаи Муҳаммадиянинг таълимтарбиясини ола бошлади. У вақтга келиб, Аллоҳ таоло Ўз дини – Исломни ўзга динлардан устун қилган, мусулмонлар зафар топган, кишилар Аллоҳнинг динига гурух-гурӯх кирган ва барқарорлик ҳукм сурган бир пайт эди. Барча иложи борича кўпроқ илм олишга ҳаракат қиласи эди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони Каримнинг оятлари кетма-кет нозил бўлиб турар ҳамда у зотнинг ўzlари умматларига турли аҳкомларни баён қилиб берар эдилар. Ана шундай ажойиб бир илмий мухитда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу исломий илмлар чашмасининг асл манбаасидан тўйиб-тўйиб симира борди. Аллоҳ таоло Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуга ўтқир зеҳн ва кучли хотирага қўшиб, фахм-фаросат ва ўта тиришқоқлик фазилатларини

ҳам берган эди. У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир қадам ҳам узоқлашмасдан у зотнинг муборак оғизларидан ворид бўлаётган ҳар бир сўзни, ҳар бир гапни илиб олиб, ихлос билан бутун вужудига жо қиласи эди. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мени кўксиларига босдилар ва: «Эй Аллоҳим, бунга ҳикматни таълим бергин», дедилар» (Бухорий ва Термизий ривоят қилган).

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ўzlари ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ажрамай, у зотнинг илм булоқларидан тўйиб-тўйиб ичишга уриниш билан бирга, нима қилиб бўлса ҳам, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг розиликларини топиш ва дуоларини кўпроқ олишга ҳаракат қиласи эдилар. Кейинроқ эса Пайғамбар алайҳиссалом уннинг фақиҳ бўлишини сўраб, Аллоҳга дуо қилдилар. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг ҳакларига қилган бу дуолари ҳам қабул бўлди. Кейинчалик у киши улкан фақиҳ бўлиб етишдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз ҳакларига кўп дуо қилаётганларини кўргач, илм учун туғилганларини билдилар ва илм ўрганишга киришдилар. Ёш

бўлишларига қарамай, кўп оят ва ҳадисларни ёд олдилар. Ўзларининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламдан ажрамаслик шиорларига амал қилган Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу у зот билан видолашув ҳажига ҳам бирга бордилар ва ўша сафарда кўрган ва эшитган ҳар бир нарсаларини ривоят қилиб юрдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ёнларида бўлишларини у зот Рафиқи Аълого интиқол қилгунларича давом эттиридилар. У кишининг бу беназир меҳнатлари зое кетмади. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу 1660 та ҳадис ривоят қилиб, кўп ҳадис ривоят қилувчи саҳобаларнинг бешинчиси бўлдилар. Албатта, Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳаётлик даврларида ҳали ўн тўрт ёшга кирмаган ёш саҳобийнинг кўплаб ўзидан катта саҳобаларни ҳадис ривоят қилишда ортда қолдириб, бешинчи ўринни олишлари Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг ким эканларини яққол на мойиш қиласидаган омилдир.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг Рафиқи Аълого риҳлатларидан кейин ҳазрати Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳунинг ҳалифалик даврларида илм талаб қилишни ўта тиришқоқлик билан давом эттиридилар. У киши олим саҳобаларни ўзларига устоз билдилар ва улардан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламдан ўргана олмай қолган нарсаларини ўрганишга киришдилар. Ўша пайтда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу икки оёқда юрувчи тирик сўрек аломатига айланиб қолган эдилар. Агар бирор фалон масалани билар эмиш деган гапни эшитсалар, ўша кишини қандай қилиб бўлса ҳам топиб, масалани ундан ўрганмагунча тинчимас эдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу олим саҳо-балардан бўлмиш Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан дарс олар эдилар. Бир куни Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу жўнаб чиқиб, отларига минмоқчи бўлганларида, Ибн Аббос отнинг жиловидан ушлаб турарди. Зайд бундан қайтардилар. Шунда Ибн Аббос: «Уламоларимиз-

ни шундай ҳурмат қилишга буюрилганмиз», дедилар. Зайд ҳам Ибн Аббоснинг кафтларидан ушлаб ўпиб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг оилаларига шундай мумомалада бўлишга буюрилганмиз», дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳалифа бўлган пайтда ҳали ёш бўлишларига қарамай, машҳур олим сифатида ном қозонган эдилар. Ўзлари илмли бўлганлари учун ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бу илмли ёш саҳобийни жуда қадрлар эдилар. У киши Абдуллоҳ ибн Аббосни (розияллоҳу анҳу) олим сифатида ҳурмат қилиш билан кифояланиб қолмай, у кишининг илмларидан фойдаланишни ҳам ўз ўрнида йўлга қўйган эдилар.

Имом Бухорий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қўйидагиларни ривоят қиласидилар: «Умар мени Бадр шайхларига қўшар эди. Баъзиларга бу ёқмас эди. Ушалар унга: «Нима учун боламиз тенги одамни бизга қўшасан?!» дейишарди. У эса: «У ўзингиз билган одам!» деди. Бир куни у мени чақириб, уларга қўшди. Уларга кимлигимни билдириб қўйиш учун қўшганини билиб турардим. Кейин Умар: «Аллоҳ таолонинг «Иза жаа насруллоҳи вал-фатҳу» деган қавлига нима дейсизлар?» деди. Улардан баъзилари: «Қачон бизга нусрат ёки фатҳ берса, Аллоҳга ҳамд ва истиғфор айтишга амр қилиндиқ, деймиз», дейишиди. Баъзилари эса, сукут сақлаб бирор нарса дейишмади. Шунда у менга: «Сен ҳам шундай дейсанми, эй Ибн Аббос?!» деди. Мен: «Йўқ», дедим. У: «Нима дейсан?» деди. Мен: «Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ажаллари-дир. Аллоҳ буни у зотга билдири. «Агар Аллоҳнинг нусрати ва фатҳ келса» ўша ажалнинг аломатидир. Аллоҳ таоло: «Бас, Роббингни по-клаб ёд эт ва Унга истиғфор айт. Албатта, У тавбаларни кўплаб қабул қилувчи-дир», деди», дедим. Шунда Умар: «Аллоҳга қасамки, мен ҳам бу борада фақат сен айтган нарсаниги на биламан, холос», деди.

Одил ҳалифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуни ҳаж амири қилиб тайнладилар ва мусулмонларга бош бўлиб ҳажни ўтказишни топширдилар. «Мен учун анавиларга

жуда ҳам яхши билар эдилар. У киши Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуга катта-кичиқ барча ишларида маслаҳат солиб турар эдилар ва у кишига «ёш донишманд» лақабини берган эдилар. Халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг илмларини қанчалик қадрлашларини Саъд ибн Абу Вақ-тос розияллоҳу анҳу ўзларининг қўйидаги гаплари билан баён қиласидилар: «Ибн Аббосдан кўра фахми дақиқ, ақли ўткир, илми кўп ва ҳилми кенг одамни кўрмаганман. Умар уни қийин масалаларни ечишга чақирганини ўзим кўрганман. Ҳолбуки, унинг атрофида муҳожир ва ансор, Бадр аҳллари кўп эди. Агар Ибн Аббос гапирса, Умар унинг гапидан нарига ўтмас эди».

Учинчи ҳалифа Усмон Зуннурайн (розияллоҳу анҳу) даврларининг бошланғич қисмida Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу фатҳ ҳаракатларида қатнашдилар. Жумладан, Саъид ибн Осс розияллоҳу анҳу Тобаристонни фатҳ қилди. У киши билан бирга бу ишда ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг икки ўғиллари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳум ва бошқа кўпгина катта саҳобийлар қатнашдилар. Тобарис-тонликлар аввал жанг қилишди, кейин сулҳ сўрашди. Улар билан сулҳ тузилди. Кейин эса, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Абу Сарҳ бошлиқ лашкар ичиди Мисрни фатҳ этишда ҳам фаол қатнашдилар. Ушанда у киши Мисрнинг ғайридин бошлиғи Жиржийс билан бўлган музокараларда ҳам қатнашдилар. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг музокара пайтидаги гапсўзларидан у кишининг улкан ақл ва илм эгаси эканини дарҳол пайқаган Жиржийс у кишини «Ҳабр» (катта олим) деб атади.

Фитна чиқиб, қамалда қолган ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуни ҳаж амири қилиб тайнладилар ва мусулмонларга бош бўлиб ҳажни ўтказишни топширдилар. «Мен учун анавиларга

қарши қитол қилиш ҳаждан кўра маҳбуброқ», деди Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу. Аммо ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу қаттиқ туриб олдилар. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ҳажга отландилар. Халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон у киши орқали мусулмонларга ўз мактубларини юбордилар. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу бу дард-алам ила ёзилган мактубни тарвия (ёлғон Арафа) куни мусулмонлар оммасига ўқиб бердилар. Ўзлари мусулмонларнинг ҳаж амири бўлган иили Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу бутун ҳажга келган кишиларни ўз илм денгизларидан қониб-қониб чанқоқларини босишлари учун ҳаракат қилдилар. Ҳаж амири Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг ваъз-иршодлари, хутбалири ва саволларга берган жавобларидан ҳожилар баҳра олдилар.

Кейинчалик ҳазрати Али Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуни Басрага волий қилиб тайинладилар. Ўша вақтда дунёдаги икки буюк салтанатни енгиги, оламнинг энг кучли жамиятига айланган Ислом жамиятида Басра марказий ва муҳим вилоят ҳисобланар эди. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ўша нозик жойнинг волийлигини ҳам қойиллатиб адо этдилар. Бу билан у киши нафақат улуғ олим, моҳир саркарда, балки уддабурон жамоат арбоби эканини ҳам исбот қилдилар. Унча-бунча волийлар билан яқинлаша олмайдиган басраликлар Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан рози бўлдилар ва у кишига таҳсинлар айтдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу халифа Алиниңг волийларидан бири бўлсалар ҳам илм бобида у кишига қарши фикр айти оладиган нодир шахслардан эдилар. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг илм бобида беназир эканлари ҳаммага маълум ва машҳур. Аммо шундай бўлса ҳам Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу у кишига ундей эмас, бундай дея олар эдилар.

Имом Термизий, Абу Довуд ва Бухорий Икрима розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Али каррамаллоҳу важ-ҳаҳу Исломдан чиқиб, муртад бўлган бир қавмни куйдиртириб юборди. Бу Ибн Аб-

бос розияллоҳу анҳуга етди. Шунда у киши: «Агар мен бўлганимда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг «Ким динини алмаштиrsa, уни қатл қилинглар», деганларига биноан, уларни қатл қилар эдим. Уларни Пайғамбар солаллоҳу алайҳи вассалламнинг «Аллоҳнинг азоби билан азобламанглар» деганларига биноан уларни куйдирмас эдим», деди. Бу гап Ҳазрати Алига етди ва у: «Ибн Аббос тўғри айтди», деди». Кейинчалик бўлиб ўтган Сиффийн урушида Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг энг яқин ёрдамчиларидан бўлдилар. У кишига доимо маслаҳатлар бериб турдилар. Иш охири ихтилофни ҳакамлар йўли билан ҳал қилишга келишиш билан тамом бўлди.

Илмлари ниҳоятда ўткир, серқирра ва кўп бўлганидан Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу Ислом умматининг «илм денгизи» лақабини олган эдилар. Умуман, у кишининг илмлари ҳамма томондан бирдек тан олиниб, барча илмий унвон ва лақаб Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуга насиб этган эди. «Исоба фии тамйизи саҳоба» номли китоб соҳиблари келтирган ривоятда машҳур тобеъинлардан Мужоҳид розияллоҳу анҳу: «Ибн Аббос илмнинг кўплигидан «денгиз» деб номланар эди», деганлар.

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ айтадилар: «Ибн Аббос инсонлардан кўп хислатларда ўзиб кетди. Илм-да у кишига етадигани йўқ эди. Фиқҳда доимо у кишининг фикрига суннilar эди. Ҳалимликда ва насабда у зотга ҳеч ким teng кела олмасди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳадисларини у кишидан яхши биладиган ёки ҳалифаларнинг қозилик ишларини у кишидан кўра яхшироқ англайдиган киши топилмас эди».

Убайдуллоҳ ибн Утба розияллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ҳақларида қўйидагиларни айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳадисларини Ибн Аббосдан кўра яхшироқ биладиган бирор кишини кўрмадим. Абу Бақр, Умар ва Усмоннинг чиқарган ҳукмларини Ибн Аббосчалик биладиган одамни ҳам кўрмадим. Ундан кўра фақиҳроқ бирор кишини ҳам

кўрмадим. Араб тилини, шеърни, Қуръон тафсирини, ҳисобни ва месносни унчалик биладиган одамни кўрмадим. У бир кун фиқҳ учун мажлис қурадар эди. Бир кун таъвиий учун мажлис қурадар эди. Бир кун мағозий (жанглар) илми учун. Бир кун шеър учун. Бир кун арабларнинг машҳур кунлари ва хабарлари учун. Қай бир олим унинг олдида ўтира, унга қулоқ туттанини кўрдим. Қай бир сўровчи ундан бир нарса сўраса, ундан тўлиқ жавоб олганини кўрдим».

Улкан муҳаддис ва фақиҳи кишиларга илм ўргатиш билан кифояланниб қолмас, балки турли соҳаларда кўпчилик хизматида бўлишига ҳаракат қилар эдилар. У киши ўзлари билган илмга амал қилишда ҳам бошқаларга ўрнак бўлар эдилар. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ўта сахий ва эҳсон қилишни яхши кўрадиган зот эдилар. У кишининг замондошларидан бирлари бу ҳакда қўйидагиларни айтадилар: «Ибн Аббоснинг уйичалик таоми, шароби, меваси ва илми кўп уйни кўрмадик».

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуда илмига амал қилувчи улуғ олимни ҳусни ҳулқи ҳам мужассам эди. У киши барчага фақат яхшиликни истайдиган кўнгли очиқ инсон бўлганлар. Баъзи бир ўзини билмаганлар у кишининг қадрларини билмай, кўпол муомала қилса ҳам яхшилик билан жавоб берганлар. У киши ибодат соҳасида ҳам илмига амал қиладиган олим эдилар. У киши кундузлари рўза тутиб, кечаларни бедор бўлиб ўтказар эдилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу бутун дунёни илмга тўлдириб бўлганларидан сўнг ҳижратнинг 68 йили етмиш бир ўшларида Тоиф шахрида вафот этдилар. Бу улуғ саҳобийнинг жанозаларини ҳазрати Алиниңг Фотима онамиздан бошқа аёлларидан бўлган ўғиллари Муҳаммад ибн Ҳанафийя ўқидилар. Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳ Абу Кулсумдан ривоят қиладилар: «Ибн Аббос розияллоҳу анҳу дағн қилинганидан кейин Ибн Ҳанафийя: «Бугун ушбу миллатнинг раббонийи вафот этди», деди. Аллоҳ таоло Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан рози бўлсин!

ТАҲОРАТ ВА НАМОЗ ХУКМЛАРИ

7-ДАРС

- 1) Намознинг вожиблари
- 2) Намознинг суннатлари
- 3) Намознинг одоблари
- 4) Намозни бузувчи амаллар
- 5) Намоздаги макруҳ амаллар
- 6) Намозни бузиш жоиз ва вожиб бўлган ўринлар.

Намознинг вожиблари

1. Фотиҳа сурасини қироат қилиш.
2. Фарз намозларининг аввалги икки ракатида, нафл ва витрнинг ҳамма ракатида Фотиҳадан сўнг зам сура ўқиш. Зам сура камида қисқа оятлардан уч оят, узун оятлардан бир оят бўлиши керак.
3. Зам сурани Фотиҳадан кейин ўқиш. Рукуъда, қовмада (яъни, рукуъдан қайтиб тик туришда), саждаларда ва икки сажда оралиғида хотиржам бўлиш. Бу ўринларда хотиржам бўлиш, деб аъзоларнинг ўз бўғинларида таскин топишига айтилади.
4. Саждада пешона билан буруннинг бирга бўлиши.
5. Тўрт ёки уч ракатли намозларнинг аввалги икки ракатидан сўнг ташаҳхуд дуосини ўқиш миқдорича ўтириш (яъни аввалги қаъда).
6. Аввалги ва кейинги қаъдада ҳам ташаҳхудни ўқиш.
7. Аввалги қаъдада ташаҳхудни ўқиб бўлгач, кечиктирмай учинчи ракатга туриш. Кечикиш, деганда уч тасбехни айтиш миқдорича тўхтаб қолишига айтилади.

(Изоҳ: ёки ташаҳхуддан сўнг ўқиладиган саловотдан бир маънони ифодалайдиган миқдорда ўқиб, «Аллоҳумма солли ъала Мұхаммад», деб қўйса, туриши кечиктирсан бўлади. Чунки бу калимада тўлиқ маъно бор. Лекин «Аллоҳумма солли ъала», деса-ю, учинчи ракатга туриш эсига тушиб ўрнидан турса, у кечиккан ҳисобланмайди. Балки ўрнидан туриб, кейинги ракатни давом эттираверади. Шунда вожибни тарк этмаган бўлади).

8. Намозни икки томонга салом бериш билан тугатиш. Салом елкага тўла юзлангач, берилади.

9. Жаҳрий ўқиладиган намозларни имом жаҳрий ўқииши ва махфий ўқиш лозим бўлган намозларда қироатни махфий қилиши. Шом ва хуфтоннинг аввалги икки ракатида, бомдод ва жумада, икки ҳайит намозида, таровеҳ намозида ва рамазон ойида ўқиладиган витрнинг барча ракатида қироатни имом жаҳрий



қиласи. Аммо ёлғиз ўзи ўқийдиган кишига мазкур шом, хуфтон, бомдод, таровеҳ, рамазондаги витр намозларида қироатни махфий ёки жаҳрий қилиш ихтиёри бўлади. Лекин жаҳрий ўқиши афзалдир. Пешин ва асрда, шом билан хуфтоннинг аввалги икки ракатидан кейинги ракатларда, рамазондан бошқа пайтлардаги витрнинг барча ракатларида қироатни имом ҳам, ёлғиз ўқувчи ҳам махфий қиласи.

Ушбу зикр қилингандан вожиблардан бирини эсдан чиқарып тарк этган кишига намоз охирида эсдан чиқарғанлик саждасини қилиш вожиб бўлади. Охирги қаъдада ташаҳҳудни ўқиб, сўнг ўнг томонига салом беради. Кейин икки бор сажда қилиб, яна ташаҳҳуд дуосини ва саловоти Иброҳимийни ўқийди, сўнгра суннатда собит бўлган дуоларни айтиб, икки томонга салом беради. Мана шу билан вожибни тарк қилиш орқали намозга етган нуқсоннинг ўрни тўлдирилади.

(Изоҳ: намоздаги вожиблардан бирини қасддан тарк қилган киши намозини қайтариб ўқиб олиши маъқулдир).

Намознинг суннатлари

1. Такбири таҳrima айтилаётганда эркак кишилар қўлларини қулоқларининг юмшоқлари баробарича, аёллар эса елкалари баробарича кўтаришлари;

2. Иқтидо қилувчининг такбири имомнинг такбири билан орқама-кейин бўлиши;

3. Эркаклар ўнг қўлларини чап қўлларининг устига қўйиб, икки қўлни ҳам киндик остига қўйишлари, бошбармоқ ва жимжилоқни халқа қилиб, чап кафтнинг бўғинидан ушлашлари, аёллар эса ўнг қўлларини чап қўлларига халқа қилмасдан кўкракларининг устига қўйишлари;

4. Биринчи ракатда такбири таҳrimадан сўнг сано-ни, яъни «Субҳонакаллоҳумма...»ни махфий ўқиш;

5. Фақат биринчи ракатда Фотиҳадан олдин таав-вуз, яъни «Аъзуз...»ни ўқиш;

6. Фотиҳадан олдин ҳар ракатда «Бисмиллаҳ...»ни айтиш. Тааввуз ҳам, «Бисмиллаҳ...» ҳам махфий айтилади;

7. Фотиҳадан сўнг махфий қилиб омийн, дейиш; «Омийн»ни имом ҳам, имомга эргашувчи ҳам ва ёлғиз ўқувчи киши ҳам махфий айтади.

8. Бомдод билан пешинда Фотиҳадан сўнг қилинадиган зам суранинг узун муфассал суралардан бўлиши;

Узун муфассал суралар "Хужурот"дан "Буруж"гача. Аср билан хуфтонда ўртача муфассал суралардан ўқиши. Ўртача муфассал суралар "Буруж"дан "Баййина"гача. Шомда қисқа муфассал суралардан қироат қилиш. Қисқа муфассал суралар "Баййина"дан "Нос" сурасигача.

(Изоҳ: Қуръони карим суралари узун-қисқалигини қараб тўртга бўлинади: а) "Ат-Тивол", яъни узун суралар: Бақара, Оли Имрон, Нисо, Муїда, Анфол, Таеба, Юнус суралари узун суралар жумласидандир. Улар узун бўлгани учун "Ат-Тивол"деб номланади; б) "Ал-Муун", яъни юз оятли суралар. Буларга юздан кўп оятли ёки шунга яқин суралар киради; в) "Ал-Масоний", яъни қайта-қайта ўқиладиган суралар. Буларга юз оятга етмаган суралар киради. Намозларда асосан шу суралар кўп ўқилгани сабабидан улар тақрорланадиган суралар, дейилади; г) "Ал-Муфассал". Муфассал суралалар Ҳужуротдан Нос сурасигачадир. Бу оралиқ ҳам учга бўлинади: 1) узун муфассал, буларга Ҳужуротдан Буружгача бўлган суралар киради; 2) ўрта муфассал,

буларга Буруждан Баййинагача бўлган суралар киради; 3) қисқа муфассалга Баййинадан Носгача бўлган суралар киради).

9. Рукуъга кетишида тақбир айтиш, ундан қайтишида «Самиаллаҳу лиман ҳамидаҳ», деб, тик турганда «Роббана лакал ҳамд» билан кифояланиш;

10. Имом тақбирларни жаҳрий айтиши; Чунки иқтидо қилувчиларнинг имомга эргашишлари учун жаҳрий тақбирга ҳожати бор. Лекин иқтидо қилувчилар тақбирни жаҳрий айтишмайди, чунки бунга ҳожат йўқ.

(Изоҳ: агар жамоат катта бўлса, имом жамоатнинг ичидан тақбирни етказувчуни тайин қиласди. У имомнинг тақбиридан сўнг тақбирни, «Самиаллоҳу лиман ҳамидаҳ», деганидан кейин «Роббана лакал ҳамд»ни жаҳрий айтиб туради. Чунки бунга эҳтиёж бор. Унинг номи "мубаллиғ"дир).

11. Рукуъга борганда икки кафти билан икки тиззасининг кўзини ушлаб, белини бир текис қилиб, камида уч марта «Субҳана Роббиял ъазим», дейиш;

12. Қиёмдан саждага боришида аввал тиззани, кейин қўлларни, кейин бурунни ва сўнггида пешонани қўйиш, саждадан қиёмга туришида эса бунинг аксини қилиш, яъни аввал пешонани, кейин бурунни, кейин қўлларни ва сўнггида тиззаларни ердан кўтариш;

13. Эркак киши саждада қорнини сонига теккизмаслиги, икки тирсагини ҳам ерга ёпишириб олмаслиги ва билакларини ердан узоқ тутиши. Аёллар эса бунинг акси ўлароқ, саждада сонларини қоринларига теккизib, тирсакларини эса ерга ёпишириб туриши суннат хисобланади.

(Изоҳ: чунки аёллар доими ўзларини беркитганлари маъқул. Зоро, зийнат беркитилганда қадрли бўлади).

Саждада икки кафтнинг ўртасига қилиниб, камида уч марта «Субҳана Роббиял аъла», дейилади.

14. Эркак кишининг қаъдада чап оёғини тўшаб, унинг устига ўтириб, ўнг оёғини эса тик қилиб, бармоқ учларини қиблага қаратган ҳолда эгиши. Аммо аёллар эса қаъдада чап думба томонига ўтириб, ўнг думба томонидан икки оёқларини чиқарыб олишади.

15. Ташаҳҳуддаги «Ашҳаду алла илаҳа» калимаси ўқилган пайтда ўнг қўлнинг бош бармоғи билан ўрта қўлни халқа қилиб, кўрсатгич бармоқни кўтариш, «иллаллоҳ» калимасини ўқигандан эса кўрсатгич бармоқни тушириш;

16. Тўрт ракатли ёки уч ракатли фарз намозларининг учинчи, тўртинчи ракатларида Фотиҳа сураси билан зам сура қилишилик вожибdir. Нафл намозлари аслида икки ракат бўлади. Агар киши тўрт ракат нафлни ният қилса-ю, икки ракатдан кейин намозни тугатса, унга қайта тўрт ракат намоз ўқиши вожиб бўлмайди. Чунки аслида нафл икки ракатdir. Лекин иккинчи ракатдан туриб, учинчи ва тўртинчи ракатларни ўқимоқчи бўлса, албаттa уларда ҳам Фотиҳага қўшиб бирор сурани қироат қилиши вожибdir).

17. Қаъдаи охирда ташаҳҳуд дуосидан кейин сало-

воту Иброҳимияни ўқиши;

18. Охирги қаъдадаги саловоту Иброҳимиядан кейин Қуръон ёки ҳадисда келган дуолардан бирини ўқиши;

19. Намоздан чиқаётганды саломни ўнг ва чап елкага юзланганда бериш. Мана шуларнинг барчаси суннат ҳисобланиб, улардан бирини ёки кўпроғини тарк этиш билан намоз бузилмаса-да, лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари бажарилмагани сабабли намоз гўзал суратда адо қилинмаган бўлади.

Намознинг одоблари

Намознинг қуидаги одобларига риоя қилиш билан ибодат янада мукаммал бўлади:

1. Қиёмда сажда ўрнига қараб туриш;
2. Рукуъда икки қадамнинг устига қарап;
3. Қаъдада қучоғига тикилиб туриш;
4. Салом берадиганда елкага қарап;
5. Саждада буруннинг икки ёнига қараб туриш;
6. Қодир бўлгунча эснашни ўзидан кетказиш. Агар эснаш ғолиб келса, чап қўл билан оғизни беркитиш лозим;

7. Намозда имкон қадар қалбнинг ҳузур-ҳаловати ва аъзоларнинг таскин топиши билан хушуни муҳофаза қилиш. Бу эса дунёга ҳам охиратга ҳам фойдаси бўлмаган, беҳуда нарсалардан узоқ бўлиш орқали вужудга келади.

8. Ибодатда энг гўзал кийимларни кийиб туриш ҳам одобдандир.

Намозни бузувчи амаллар

Бир нечта амаллар борки, булар содир бўлиши билан намоз бузилади:

1. Намознинг шартларидан бирини тарк қилиш. Мисол учун авратни беркитмаса ёки уч тасбех айтиш миқдорича қибладан бошқа томонга юзланиб турса;

2. Намознинг руқнларидан бирини тарк қилса. Мисол учун рукуъ ёки саждада қилмаса;

3. Кетма-кет бир руқнда бир ҳаракатни уч маротаба тақорласа ёки намозга тегишли бўлмаган амални кўпайтириб юборса;

(Изоҳ: намозда бир қўл билан бажариб бўлмайдиган, икки қўл муҳтож бўладиган амалларга амалу кассир, яъни кўп амал, дейслади. Мисол учун салла ўрашлиқ, белбоғни боғлашлик, тўнни кийиш ёки ечиш ва ҳоказо. Мана шу каби кўп амални қилиш билан ҳам намоз бузилади. Аммо бир қўл билан бажарса бўладиган амални икки қўлда қилса ҳам, модомики, ўша амални бир руқнда уч бора қилмаса, кўп амал қилган ҳисобланмайди. Аслида намозга тайёргарлик қилинаётган вақтда унга халақит берадиган нарсаларнинг олдини олиб қўйиш керак. Инсончилик юзасидан эсдан чиқиб қолган бўлса, бошқаларнинг намозига халақит қилмаслик учун бунақа ишларни бажарши билан намоз бузилмайди. Бирор киши намозда турганида илон ёки чаённи ўлдириши ҳамда олдиндаги бўш жойни тўлдириши ҳам намозни бузмайди).

4. Тўхтамасдан уч қадам юрса. Лекин олди саф очиқ бўлса, бир руқнда бир ёки икки қадам билан олдинни тўлдириш жоиз;

5. Намозга тегишли бўлмаган сўзни хоҳ у тушунарли бўлсин, хоҳ тушунарсиз бўлсин, бир ёки икки ҳарф миқдорида талаффуз қилса;

6. Рукуъ ва саждаси бор намозларда қаҳқаҳа билан кулса. Қаҳқаҳа, деб ёнидаги одам эшитадиган даражадаги кулгига айтилади. Намоздаги бу кулги билан намозга қўшилиб, таҳорат ҳам бузилади;

7. Узрсиз йўталса;

8. Қуръонни бузиб ўқиса. Агар Қуръоннинг маъноди қўпол бузилса, у намозни қайтариб ўқиши вожиб бўлади. «Қўпол бузиш» дегани жаннат ўрнига дўзахни, мўъмин ўрнига мушрикни, ҳидоят ўрнига залолатни ва шу каби аксларни қироат қилиб юборишга айтилади. Мисол учун Зумар сурасининг 73-оятидаги «Парвардигорларидан қўрқсан зотлар эса тўп-тўп ҳолда жаннатга ҳайдалдилар» ўрнига «жаҳаннамга ҳайдалдилар» жумласини айтиб қўйиб, шу ракатда ўша хатосини тўғриламасдан намозни адо этса, у намоз бузилган бўлади. Аммо ўша ракатнинг ўзида хатосини тўғриласа, намози дуруст бўлади.

9. Намозда туриб озми-кўпми сув ичса ёки овқат еса;

10. Сув йўқлиги учун таяммум қилиб намоз ўқиётган киши таҳорат қилиш учун етарли сувга қодир бўлиб қолса;

11. Намоз ўқиётган чофида маҳсига тортган масхнинг муддати ўтиб кетса;

12. Бомдод намозини ўқиётганда қуёш чиқиб кетса;

13. Ийд намозини ўқиётганда қуёш заволга оғса. Жума намози ўқилаётганда аср вақти кириб қолса ҳам, шу ўқилаётган намозлар бузилади.

(Изоҳ: демак, шу ҳолатларда қуёш наиза бўйи кўтарилишини кутади ва қазо бўлган бомдодни ўқииди, қуёш заволга оғгач эса, ийд намозини тарк қилиб, пешин намозини ўқииди. Аср вақти кириб қолган бўлса, жума намозини бузиб, ўрнига қазо бўлган пешинни ўқииди).

14. Намоз асносида ўзини билмай қоладиган даражада ҳушидан кетса. Бу ҳолатда намоз бузилиши билан бирга таҳорат ҳам синади. Ушбу масала юқорида ўтган эди.

15. Битта намозда эркак киши билан аёл киши сафда баробар туриб қолса, аёлнинг намози бузилади. Агар имом шу аёлга ўзининг имомлигини ният қилса, ўша аёл ўзининг маҳрами бўлса ҳам ёки маҳрами бўлмаса ҳам ушбу имомнинг намози бузилади.

16. Намозга тегишли бўлмаган сўз гапирса. Қасддан бир кишига салом берса ёки саломга алик олса, беузр инграб, камида икки ҳарфли овоз чиқарса, товуш чиқариб йиғласа ҳам, намоз бузилади. Лекин йиғлаши охират ташвиши билан бўлса, зарари йўқ. Акса уриб алҳамдуиллаҳ, деган кишига жавоб қайтарса, имомдан бошқанинг қироатини тўғриласа, намоздан ташқаридағи кишининг қироатини тўғрилаш учун айтиган каломини қабул қилиб, унга эргашса ҳам намози бузилади. Яна гапга гарчи зикр билан бўлса ҳам, жавоб қайтарса намоз ботил бўлади. Мисол учун бир киши мағлуб бўлди, деса-ю, намозда турган киши унга жавобан «Алҳамдуиллаҳ», деса ёки «Бир мусулмон оламдан ўтибди», деса, унга жавобан «Инна лиллаҳи ва инна

иляйхи рожиъун», деса ҳам намоз бузилади.

17. Мұсхағға қараб түриб намозда қироат қылса, најосат устига сажда қылса, инсонлардан сұраладиган нарсані намоз ичидә дуо қилиб сұраса ҳам намоз бузилади.

Намоздаги макрух амаллар

Макрух амаллар содир бўлиши билан намоз бузилмаса-да, лекин у нуқсонли бўлиб адo этилган бўлади. Шунинг учун намозхон ушбулардан сақлангани маъқул:

1. Намознинг вожибларидан бирини қасддан тарқ қилиш. Мисол учун сурал Фотиҳані ўқимаслик ёки махфий ўқиладиган намозларни имомнинг жаҳрий ўқиши, қаъдада ташаҳҳудни ўқимаслик ва ҳоказо.

2. Намознинг суннатларидан бирини қасддан тарқ қилиш. Мисол учун, “сано” дуосини ўқимаслик, рукуъ ва саждадаги тасбехларни тарқ этиш.

3. Фарз намозларининг бир ракатида ёки икки ракатида қасддан битта сурани тақрор ўқиш. Аммо нафл намозларида бир сурани тақрор қироат қилиш макрух эмас.

4. Мұсхағнинг тартибиға тескари қироат қилиш. Масалан, биринчи ракатда ан-Нас сурасини зам қилиб, иккинчи ракатда Фалақ сурасини зам қилиш.

5. Қисқа муфассал суралардан икки ракатга орада бир сурани ташлаб қироат қилиш. Мисол учун биринчи ракатда Ихлос сурасини зам қилиб, иккинчи ракатда Нас сурасини ўқиш. Шу орада Фалақ сурасининг қолиб кетиши макруҳдир.

6. Кийимни беузр тўғрилаш, бармоқларини қарсллатиш, баданининг баъзи жойларини беҳуда ўйнаш, чунки бу хушуъга халал беради. Қаъдада икки оёғини тик қилиб, товонларининг устига ўтириш.

7. Бошини у ёк-бу ёққа қаратиш.

8. Хоҳ пешоб бўлсин, хоҳ катта таҳорати бўлсин, уни мажбуран ушлаб туриш. Чунки бу ҳам намозхондаги хушуъни кетказади.

9. Кўзларни беҳуда юмиб олиш. Агар камоли хушуъ билан юмса, макрух ҳисобланмайди.

10. Жамоат намозларида ортдаги сафда намоз ўқиса-ю, унинг олдида бўш жой бўлса, ана шу бўш жойни тўлдирмаслик ҳам макрух.

11. Сажда қиласиган ўринда ёки икки ёнида ё кийимида жонли ҳайвоннинг сурати бўлиши.

(Изоҳ: орқасида ёки оёғи остида бўлса, макрух ҳисобланмайди. Шунингдек, ниҳоятда кичик ёки боши ўйқ бўлса ҳам, макрух эмас. Қиблага юзланиб турган ёки ўтирган кишининг орқасида намоз ўқишилик дуруст бўлади, аммо қиблага тескари ўғирилиб ўтирган кишининг тўғрисида ҳам намоз ўқиши макруҳдир).

12. Аланга ёки чўғга қараб ҳам намоз ўқиш макрух. Аммо меҳробда чироқ бўлишининг макрухлиги йўқдир.

13. Намоз ўқувчи олдидан бирор йўловчининг ўтиши эҳтимоли бўла түриб, сутра қўймасдан намоз ўқиш ҳам макруҳдир. “Сутра” дегандан одамларнинг намозхон олдидан ўтишини ман қилувчи эллик, олтмиш сантиметрлар чамасидаги, йўғонлиги камида бармоқча

келадиган ёғоч тушунилади.

(Изоҳ: у намозхоннинг сажда қиласиган томонига саншиб кўйилади, бўлмаса, қиблага тўғри қилиб ётқизиб кўйилади. Имомнинг олдига қўйилган сутра жамоатга ҳам кифоя қиласи).

11. Намоз асносида осмонга тикилиш;

Жаноза намозларида ҳам такбирлар айтилганда осмонга тикилиш макруҳдир.

12. Овқат тайёр бўлиб, иштаҳа тусаб турганда намоз ўқиш.

13. Сажда билакларни ерга теккизиб туриш.

14. Қўл ва оёқ бармоқларини сажда ва бошқа ўринларда қибладан бошқа томонга ўгириш.

(Изоҳ: дастлабки такбирда кафтларни қиблага қаратмаслик, хушуъни кетказадиган ҳар бир амални бажариш, сажда қиласиган ўринни майдада тошлардан намоз ичидә туриб бир неча бор тозалашлик, лекин бир марта бўлса, макрух эмас, пешонасига ёпишган тупроқни артишлик, салласи ёки теллаги билан пешонасига беркитиб олиш ва ўшанинг устига сажда қилиш, кийимини елкасига ташлаб олишлик, саждага бораётгандан шимини қўли билан кўтаришлик, имомнинг алоҳида маконда туришилиги, аммо имомнинг қадами жамоат турган хонада бўлиб, саждаси бошқа хонага ўтса, макрух бўлмайди, иш кийими билан намоз ўқишилик, беузр бош кийимсиз намоз ўқишилик, чунки Пайғамбаримиз соллалпоҳу алайхи васаллам бирор марта бош кийимсиз намоз ўқимаганлар, аммо ўзини хор тутган ҳолда (яъни, ҳажда ёки умрада) бош кийимсиз ўқишилиги макрух эмасдир. Шу билан бирга масжидларнинг эшигини беузр қулфлаб қўшишилик ҳам макруҳдир, лекин ўгрининг ҳавфи бўлса зарари ўйқ).

Намозни бузиш жоиз ва вожиб бўлган ўринлар

Қўйидаги ҳолатларда ҳалокатнинг олдини олиш учун, гарчи фарз намози бўлса-да, уни бузиш вожиб бўлади:

1. Мисол учун бир киши сувга чўқаётганини билса ёки бир ҳайвон ҳужум қылса, хоҳ у ўзига, хоҳ бошқа кишига, хоҳ намоз ўқиётган одамга, хоҳ ташқаридагига бўлсин, шу ҳалокатнинг олдини олиш учун намозини бузади.

2. Бир дирҳам миқдоридаги молини ўғридан ҳимоя қилиш учун, гарчи фарз намозини бўлса ҳам, бузишилик жоиздир.

3. Ота ёки она фарзандини намоз ўқиётганини сезмай түриб чақирса, фарзанд агар нафл намоз ўқиётган бўлса, факат шу нафл намозни бузиши жоиздир. Аммо ота ёки она фарзандини намоз ўқиётганини билиб түриб чақирса, фарзанд намозини бузиши жоиз эмас.

БЕШИГИДА БҮГИЛГАН МУХТОРИЯТ

(«Куч – сиз томонда, биз томонда эса – адолат ва эркинлик ҳуқуқи»
(М. Чўқаев, Мухторият президенти).

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Мухторият ҳукумати биринчи ўринда ҳарбий қисмлар тузишга киришиди. Чунончи Мухторият ҳукумати чор ҳукумати даврида қамалиб чиқкан Эргашга ншонч билдириб, уни ҳарбий қўшиналрга бошлиқ этиб тайинлади. Қисқа вақт ичидаги тўрт мингга яқин йигит тўплади ва уларни қуроллантириди. Аммо у тўплаган ҳарбий қисмларнинг малакаси паст ва тажрибаси йўқ йигитлар эди.

Мухторият ҳукуматини ағдариб ташлаш учун Тошкентда кескин чоралар кўриш мақсадида ҳарбий режа тузилаётган вақтда Бутуниттифоқ Таъсис Мажлисига Фарғонадан вакил этиб сайланган В. Чайкин Туркистонда ҳокимиятни зудлик билан маҳаллий (мусулмонлар демоқчи – Й. Қ.) ишчи ва дехқонлар қўлига ўтишининг ғоявий зарурлиги хусусида Миллатлар Халқ Комиссарни И. В. Сталинга телеграф орқали мурожаат қилганида у шундай жавоб қилган: «Советлар ўз ички ишларидаги мухтордир ва улар тегишли реал кучларга таяниб ҳаракат қиласи. Шу боис Туркистонда маҳаллий пролетарларнинг марказий Совет ҳокимиятига Туркистон Сонаркоми ҳарбий қисмларидан бегона кучларга таянганларни тарқатиб юбориш ҳақида арз этиб, мурожаат қилиши лозим эмас, балки агар маҳаллий пролетар ва дехқонларда куч топилса, уни шу куч билан тарқатилсин».

Большевик Е. П. Бабушкин бошчилигидаги Қўқон шаҳар Ишчи ва аскарлар Кенгashi марказдан мадад олиб, Мухторият ҳукуматига қарши курашни кучайтируди. Бабушкин Кенгашнинг пленумини чақириб, унда мухториятчиларни қуролсизлантириш ва унинг ҳарбий қисмларни тарқатиб юборишни талаб қилувчи кескин талаб (ултиматум) тарзидаги қарорлар қабул қиласи. Пленум қарорига асосан мухториятчиларга қарши курашни кучайтириш мақсадида Ҳарбий Инқилобий қўмита тузилди. Инқилобий қўмита ҳам ўз навбатида қуролланишини кучайтируди. Мухториятчиларга зарба беришнинг аниқ режаси тузилди. Зудлик билан ёрдам юбориш учун Тошкентга мурожаат қилинди. Тошкентдан ёрдам ҳам кела бошлади.

1918 йилнинг 28-29 январь кунлари Қўқонда вазият нюхоятда кескинлашди. Мухториятчилар ва уларнинг тарафдорлари Шўроларнинг шаҳар кенгashi кўрган чо-

ра-тадбирларга жавобан иш кўриб, уларнинг қора ниятларини амалга оширишга йўл қўймаслик учун ҳаракат қилдилар. Шўроларнинг Ҳарбий Инқилобий қўмитаси собиқ хон ўрдасига жойлашиб олган эди. Мухториятчилар қўшини ана шу қароргоҳга ҳужум қилди. Бироқ аниқ режа асосида амалга оширилмаган бу ҳужум мувваффакиятсизликка учради. Аммо шаҳар телефон станцияси узуб ташланди. Мана шу вақтда Шўролар Кенгашига ёрдам учун Тошкентдан, Скобелевдан, Ардижондан, Перовскдан ва бошқа ерлардан ёрдам қўшиллари Қўқонга кириб келди.

Вазиятни ҳисобга олган Туркистон Халқ Комиссарлар Совети 1918 йилнинг 14 февраля куни бутун Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қиласи. Шунингдек, Фарғона темир йўлида эса қамал ҳолати жорий этилди. Митинг ва намойишлар ўтказиш таъқиқланди. Ҳукумат қарорида: «Бу қарорни бузганлар пулемёт ва милтиқ ўқи билан қарши олинади», деб алоҳида кўрсатиб ўтилди. Аммо Тошкентда ва умуман Туркистонда ҳарбий-сиёсий вазият оғирлиги учун ҳам Тошкентдан кўп ёрдам бериш қийин эди. Шунинг учун ҳам Скобелев шаҳар думаси раиси Дармоедовнинг қаршилигига қарамай, Фарғона шаҳар ҳарбий дружинасининг командири комиссар К. Осипов Шўролар Советининг қарорига амал қилиб 4 та пулемёт, 4 та замбарак ва 140 та аскари билан Қўқонга ёрдамга келган эди. Ўзича, у ўз отряди билан Мухторият ҳукуматини қамоқча олмоқчи ҳам бўлди. Аммо бунинг акси бўлиб чиқди. Уларнинг ўзлари мухториятчиларниң қўшини томонидан ўқса тутилди. Ва ҳатто мухториятчилар қалъани олиш учун жанг бошлаганларида болта, таёқ, тош, чўйич ва бошқа нарсалар ушлаган оломон уларга мадад бермоқда эди. Уларнинг сони ўн мингдан ошган эди, деган маълумотлар ҳам бор. Улар ўзларини муҳоҳидлар деб эълон қилдилар. Бу вақтда осиповчилар яшириниб олишган эди. Оломон қалъани штурм қила бошлади. Аммо қизил қўшинлар яхши қуролланган ва ҳарбий тактикага эга эди. Шунинг учун ҳам улар қалъани мустаҳкам туриб ҳимоя қилдилар.

18 йил 17 февралда Мухторият ҳукумати билан Шўролар ҳукумати вакиллари ўртасида музокара бошланди. Бу музокара Мухторият ҳукумати раҳбариятининг таклифи билан бошланди Музокара вақтида мухторият-

чилар қўйидаги шартларни қўйдилар: 1. Шаҳарни биргалиқда бошқариш ва унинг таркибида мухториятчиларнинг кўпроқ вакиллари бўлиши. 2. Ҳарбий қалъани шу органинг назорати остига олиш. 3. Милициядан бошқа барча кучларни қуролсизлантириш. 4. Ўлка Шўролар ҳукуматининг шариатга зид декретларини бекор қилиш.

Ҳарбий Инқилобий қўмита бу таклифларни рад этди. Шундай кейин 18 февралда музокаралар яна давом эттирилди. Мухторият ҳзкумати нима қилиб бўлсада ўртада қон тўкилмаслиги учун ҳаракат қилди. Мухторият ҳукуматининг ҳарбий вазири полковник М. Чанишев Ревком олдига ҳатто ултиматум қўйиб соат тўртгача қалъанинг топширилишини талаб қилди. Аммо Мусулмон ишчи ва деҳқонлар конференцияси қатнашчилари талаб қўйиб, ултиматумни қайтариб олишга мажбур қилдилар. Ана шундай кескин вазият содир бўлиб турган кезларда «Шўрайи уламо»чилар ва уларнинг тарафдорлари каттиқ қаршилик кўрсатдилар. Мухторият ҳукумати аъзолари ичida ўзаро ихтилоф пайдо бўлди. Ҳукумат раҳбари М. Чўқаевни истеъфога чиқишига мажбур этдилар. Натижада унинг ҳукумат кабинети тарқатилди. М. Чўқаев ўзига яқин кишилари билан ҳукуматни ташлаб, Қўқонни тарк этишга мажбур бўлди.

Ҳарбий вазир М. Чанишев қамоқça олинди. М. Чўқаев эса кўркоклиқда айбланди. «Уламо»чиларнинг ёрдами билан Эргаш полвон ҳукумат раҳбари ва Бosh қўмондон этиб тайинланди. Кисқача қилиб айтганда, бўлиб ўтган воқеалар ўз навбатида давлат тўнтариши эди.

Худди шу вақтда Тошкентдаги большевистик ҳукуматнинг ҳарбий вазири сўл эсэр, генерал Е. Перефильев бошчилигига пиёда, отлиқ ва артиллерия қисмларининг иккинчи эшелони Қўқонга кириб келди. Қўқон уч тарафдан қуршаб олинди. Артиллерия қисмлари жанговар ҳолатда буйруқни кутиб турар эди. Шу тариқа Қўқонда мудҳиш воқеаларнинг содир бўлиши аниқ бўлиб қолган эди.

19 февраль куни қизил қўшинлар раҳбарияти Мухторият ҳукуматининг раиси, қўмондон Эргашга ултиматум юборди. Унда қуролларни ташлаш ва таслим бўлиш талаб этилди. Аммо Эргаш ултиматумни қабул қилмади. Шундан кейин генерал Перефильев ёндирадиган барча снарядларни ишга солишига ва 12 та замбаракдан ўт очишига буйруқ берди. Кундуз соат бирдан бошлаб Қўқон осмонини қора булут, замбараклар овози ва тутиун қуршаб олди. Бегуноҳ одамлар ҳам тўп-замбараклар ўқи остида қолди. Шу хужумнинг иштирокчиси М. Шкорупанинг хотирлашича: «Тинч аҳо-лининг уйлари, Туркистон, Россия учун ҳам танқис бўлиб қолган мануфактура ва фалла омборлари ёнарди. Қўқон уч кун бутунлай ўт ичидаги қолди». А. Т. Каравайцевнинг эсдаликларига қараганда, айниқса «Коновалов тўдасидаги арман дашноқлари ўзбошимчаликни ҳаддан ошириб юбордилар. Улар Қўқонга келгунча тинч аҳолини талаб, қирғин қилган» («Воспоминания». Ташкент, 1957).

«Наша газета»нинг ёзишича, ўrus қўшинлари мусулмонларнинг ибодатхоналари бўлмиш масжидларни ва ўқув юртлари бўлмиш мадрасаларни ҳам тўплар ёрдамида хонавайрон қилган. Генерал Перефильевнинг эсдаликларида мақтаниб ёзишига қараганда «...Мен 12 замбаракдан ўқ очдира бошладим. Биринчи отишмадан

кейиноқ исёнчилар (мухториятчиларни кўзда тутаётir — Й. Қ.) Эски шаҳарга қараб қочишиди».

Шиддатли жанглар ва қирғинбарот уруш ҳаракатлари 20 февралда ҳам давом этди. Шу куни шаҳар ичкарисига арманлардан иборат «Дашнокцутюн» коми билан аталган каллакесар жанговар қисмлар кириб келди. Эндики жанглар Қўқоннинг Эски шаҳар қис-мига кўчди. Бу ерда ҳам мудҳиш фожиалар рўй берди. Мухториятчилар ва уларнинг тарафдорлари томонидан ҳар бир уй, бино, омбор, савдо корхоналари учун яккама-якка жанглар бўлган. Бу ҳақда шу воқеаларнинг иштирокчилари ўз эсдаликларида ёзиб қол-диргандар ва архив ҳужжатлари ҳам бор.

Эргаш бошчилигидаги мухториятчилар армияси Эски шаҳарни ўраб, уч кун қаттиқ мудофаа қилди. Шу уч кун ичидаги бутун-бутун бинолар, савдо расталари, дўйонлар, омборхоналар, масжид-мадрасалар, мануфактура корхоналари вайрон бўлган. Шу кунлар ичидаги уч мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган. Халқ Комиссарлар Совети томонидан юборилган қизил қўшинлар ёрдамида ва иштирокида ўтказилган бу ҳарбий операция уларнинг фалабаси билан якунланди («Улуғ Туркистон», 1918 йил, 2 март).

19 февраль куни Мухториятнинг ўн беш раҳбари — А. Ўразаев, Я. Агеев, М. Мираҳмедов, М. Чанишев, Кушбегиев ва бошқалар Скобелев – Фарғонага жўнаб кетишган эди. Улар Фарғонада ва унинг атрофларида ҳам бўлиб, ҳалқни Мухториятни ҳимоя қилишга даъват этилар. Жойларда намойишлар ўюштирилар. Бироқ улар айғоқчилар томонидан ушлаб олиниб, сўроқсиз ва айбисиз равишида ўз жойларида отиб ташланди. Ноилож қолган Эргаш ўзининг гўчин отряди ва бошқа мухториятчилар шаҳарни ташлаб чиқиб кетдилар. Мухторият ҳукуматнинг қўлга тушган ҳар бир аъзоси отиб ташланди. «Улуғ Туркистон» рўзномасининг ёзишича, ҳукумат ҳазиначиси Саидносир Миржалилов қамоқça олинган ва унинг ихтиёридаги ҳазина мусодара қилинган ва таланганди (1918 йил 21 февраль).

Шу вақтларда Тошкентда қозоқ тилида чиқиб турган «Бирлик туғи» рўзномаси «Қўқон воқеалари»ни шундай шарҳлади: «Яқинда у (большевикларнинг) қизил ҳокимияти ва унинг қуролли кучларини кўзда тутмоқда – Й. Қ.) Қўқон кўчаларини инсонларнинг қони билан бўяди. Мусулмонлар яшайдиган Эски шаҳарни ер билан яксон қилиб текислаб ташлади, минглаб айбисиз ва ҳимоясиз мусулмонларни ўлдириди, уларнинг молмумларини талон-тарож этид... Аммо буларни у оддий қилиб эмас, қизил байроқ, озодлик ва инқилоб шиорлари остида амалга ошириди».

Шундай қилиб, Туркистон Мухторияти ағдариб ташланди. У бешигида бўғилди. Шўроларнинг Қизил қўшинлари ва ҳокимият раҳбарияти тарихда кечирилмайдигай гуноҳи азимга ботди. Буни тарих ҳеч қачон унутмайди. Аммо мухториятчиларнинг курашлари иззиз кетмади. Орадан етмиш уч йилгина ўтиб, улар орзу қилган замон етиб келди. Ўзбекистон мустақил бўлди.

**Йўлчи ҚОСИМОВ,
тарих фанлари номзоди.**

ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ

O'N OLTINCHI SABOQ YOMONLIKDAN QOCHING


Assalomu alaykum, mening jajji erkatoylarim! O'tgan darsimizda yaxshi bola, haqiqiy musulmon bola qanday bo'lishi kerakligini sizlarga tushuntirib bergandim. Bugungi mashg'ulotimizda sizlar bilan yomon ishlarni nimalar, ulardan qanday qilib uzoqda yurish mumkinligi haqida gaplashamiz, xo'pmi? Dunyoda yaxshi ishlarni bo'lgandan keyin yomon ishlarni ham bo'ladi, to'g'rimi? Musulmon farzandlar ana shu yomon ishlarni qilib qo'ymaslik uchun ularni bilib olishlari kerak. Ulardan doimo qochishlari zarur. Mabodo birortasini bilmasdan yoki o'rtoqlarining so'ziga kirib qilib qo'yishsa, darrov Alloh taolodan kechirim so'rashlari darkor. Kechirim so'rashni bilasizmi? «Astagfirulloh» deysiz yoki «Ey Allohim, mana shu qilgan gunohimni kechirgin» deysiz.

Yomon ishlaming eng kattasi, gunohlarning eng og'iri – Allohga shirk keltirish. Bu haqda dastlabki mashg'ulotlarda aytib bergandim. Yana qaytaraman: bu – ishdami, ibodatdami, qayerda bo'lsin Allohga biror narsani sherik qilib qo'yish. Chunki Alloh – yagona, bitta! Uning hech qanday sheri, tengi, o'xshashi yo'q. U bermasa, hech kim rizq bermaydi, yordam berolmaydi, biror narsadan qutqarolmaydi. Allohga shirk keltirishdan, ana shu yomon ishdan saqlaning! Aks holda, albatta, do'zaxga tushasiz.

Yana yomon ishlarga birovni nohaq o'dirish, namoz o'qimaslik, ota-onani og'rintirib, ularga osiy bo'lislilik, ro'zani sababsiz ochib yuborish, Payg'ambarimizga tuhmat qilish, mast qiladigan ichimlik ichish, birovning narsasini nohaq tortib olish kabi ishlarni ham kiradi.

Musulmon bolalar, ayniqsa, yolg'on gapiresh, va'da berib bajarmaslik, birovning narsasini o'g'irlash, aldamchilik, qimor o'ynash, o'tgan darslarda aytigelan harom narsalami yeyish, chaqimchilik, kerilib, maqtanish, och ko'zlik, yolg'on guvohlik berish, buzuqlik kabi og'ir gunoh bo'ladiqan yomon ishlardan ehtiyoj bo'lislarni kerak. Chunki odam yaxshi bo'lsa Allohnini tanib, namozlarni o'qib, ro'zalarni tutib yursayu yuqoridagi gunohlari qilsa, savoblari o'chib ketadi. Jannatga kirishi qiyinlashadi. Shuning uchun bunaqa yomon ishlarni aslo qilmaslikka harakat qiling.

Bordiyu birorta oshnangiz yoki katta bolalar ana shunday ishlarga boshlasa, sira ko'nmang. «Quddus amakim aytganlar, bu ishlarni qilish bo'ladi», deb ularni ham qaytaring. Shunda sizning savobingiz ikki baravar ko'payib ketadi. Alloh taolo va Hazrati Payg'ambarimizga suyukli, yoqadigan islomi farzand bo'lasiz. Gapimni yaxshilab eslab, unga doim amal qilib yuring, xo'pmi, do'mboqchalarim?!



DUO QILAYLIK

Mana, aziz va sevimli dilbandlarim, Quddus amakingizning saboqlari ham hozircha nihoyasiga yetdi. Endi sizlar bilan vaqtinchalik xayrashamiz. Faqat sizlarga bitta iltimosim bor: yuqorida aytib bergen hamma gaplarimni doimo qulog'ingizda tuting. Esdan chiqib qolmasligi uchun qayta-qayta o'qib yuring. O'zingiz bilib olgandan keyin boshqalarga ham aytib bering! Eng asosiy gapim shuki, ana shu o'rgangan narsalaringizga hamisha amal qilib, bajarishga urining, harakat qiling. Faqat yaxshi ishlarni qilib, yomonidan qoching. Shunda chin musulmon bo'lasiz. Alloh taologa sevimli banda va Payg'ambar alayhissalomga suyukli ummat bo'lasiz. Alloh taolo va'da qilgan go'zal va so'lim jannat sizniki bo'ladi. Bu gaplarim hech qachon yodingizdan chiqmasin, shirintoylarim!

Ha, aytganday, har gal duoga qo'I ochganda Quddus amakingizni ham bir eslab qo'yinglar, xo'pmi, asallarim! Qani endi, hammamiz qo'llarimizni ko'tarib, Allohga chin dildan yolvorib bir duo qilaylik-chi: «Ey, butun dunyolarning egasi, hammamizni yaratgan Parvardigorimiz! Bizlarni yaxshi, solih bandalaringdan qilgin! Yomon ishlardan, turli falokatlardan O'zing asragin! Iymonli, O'zingdan qo'rqaqadigan, O'zingga bo'ysunadigan, aytganlaringni bajaradigan kishilar qilib tarbiya qilgin! Omin, ya Robbal Olamiyn!»

УРУШСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИМИ?

Инсоният бутун тарихи мобайнида бор-йўғи 292 йилгина урушларсиз яшаган.

Англия ва Франсия ўртасида 1337 йилдан 1453 йилгача, жами 115 йил давом этган уруш жаҳон тарихидаги энг узоқ уруш ҳисобланади.

Ҳозиргача Ер юзида жами 15 мингдан ортиқ уруш бўлган, шундан 5700 таси катта урушлар эди, қабилаларо этник урушлар бунга кирмайди. Улар сони ўн олтинчи асрда 106 та, ўн еттинчи асрда 231 та, ўн саккизинчи асрда 703 та бўлса, ўн тўққизинчи асрда 730 тага етган. Ўтган асрда эса Иккинчи жаҳон урушигача 882 та, ундан кейин эса 300 дан ортиқ уруш бўлди.

Урушлар оқибатида ўн еттинчи асрда 3,3 миллион, ўн саккизинчи асрда 5,4 миллион, ўн тўққизинчи асрда 5,7 миллион киши ҳалок бўлди. Ўтган асрдаги Биринчи жаҳон урушида 10 миллион, Иккинчи жаҳон урушида 52 миллион киши қурбон бўлди.

Мутахассислар ҳисобича, Юлий Цезар давридаги урушларда битта одамни ҳалок қилишга 1 доллар, Наполеон даврида 1000 доллар, Биринчи жаҳон урушида 21000, Иккинчи жаҳон урушида 200.000 доллар миқдорида маблағ сарфланган.

Таниқли иқтисодчи Нобел мукофоти соҳиби Жозефнинг ҳисобича, АҚШ бошлиқ ҳарбий коалиция Ироқдаги урушга 5 триллион доллардан ортиқ маблағ сарфлаган. Аммо Ироқ аҳолисидан қурбон бўлган 3 миллион кишининг хунини нима билан ўлчаса бўларкин?! Ҳарбийлар ҳам 3000 дан зиёд аскарини қурбон беришди, АҚШ армиясининг 16,2 минг аскари яраланди.

Ҳозир куррамизда тўпланган энг ўткир заҳар – цианид қуроли билан 750 миллиард кишининг ёстигини қуритиш мумкин.

Швейцариялик олимлар ҳисоб-китобига қараганда, инсониятнинг охирги беш юз йиллик ҳаётида юз берган 14.000 урушда қарийб 5 миллиард одам ҳалок бўлган.

ХХ аср "энг қонли" юзийллик бўлди, шу асрдаги урушларда жами 70 миллион кишининг ёстиги қуриди.

БМТ маълумотларига кўра, ҳозирги кунда ҳар йиғирма дақиқада кимдир турли миналарнинг портлашидан ҳалок бўлади. Йигирманчи аср бошларида ми-



надан қурбон бўлганларнинг 80 фоизини ҳарбийлар ташкил этган бўлса, ҳозир ҳалок бўлаётганларнинг шунчаси тинч аҳоли вакиллариридир.

Битта минанинг нархи 3 доллар, уни заарсизлантиришга эса 1000 доллар маблағ керак бўлади.

Мутахассислар ҳисобича, оддий урушларда қурбон бўлганлардан бир жангчига тинч фуқаролардан 10 киши, ядро урушида эса бир жангчига 100 нафар тинч фуқаро тўғри келади.

Охирги ўн йил мобайнида кечган урушларда 1,5 миллион бола ҳалок бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши мобайнида Ўзбекистонга уруш жойларидан 200 минг бола кўчирилган.

Бугунги кунда бир дақиқада дунёда 25-30 та бола очликдан ўлаётган ёки касаллиқдан вафот этаётган бир пайтда ана шу бир дақиқа ичидаги 3,7 миллион доллар маблағ ҳарбий мақсадларга сарфланмоқда.

Иккинчи жаҳон урушининг "қиёфаси" бундай: уруш 6 йил давом этди, унда 60 дан ортиқ мамлакат иштирок этди, урушган давлат аҳолиси сони 1,7 миллиард кишидан кўпроқ эди, 22 миллион квадрат метр майдонда ҳарбий ҳаракатлар кечди, 110 миллион киши қуролли кучлар сафига жалб қилинди, 50 миллион киши ҳалок, 90 миллион киши ярадор ё майиб бўлди, моддий талафотлар ҳажми 4 триллион долларни ташкил этди.

2008 йили дунё бўйича ҳарбий харажатлар олдинги йилга нисбатан тўрт фоизга ўсида ва 1,5 триллион АҚШ долларини ташкил этди.